БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 20 апрель Жума
№ 76 (13.512). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Информацион билдириш

17 апрелдаги кечки мажлисда ВЛКСМ XXI съезди делегатлари ВЛКСМ XXI съездининг СССР, АҚШ, Покистон, Афғонистон Жумҳурияти ҳукуматларига мурожаатнома ва Чернобиль АЭСи аварияси оқибатларини бартараф этиш юзасидан резолюция қабул қилдилар.

18 апрелда съезд делегатлари ВЛКСМ Уставини муҳокама этдилар ва қабул қилдилар.

Шунингдек съезд қуйидаги резолюцияларни:

— ВЛКСМ Устави тўғрисида;

— ВЛКСМ Марказий Қўмитаси аъзоларини, ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюроси ва котибларини сайлаш тартиби тўғрисида;

— ВЛКСМ Марказий Қўмитаси, ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюроси, котиблари ва аппаратининг вазифалари ҳамда ваколатлари тўғрисида;


— Комсомол ташкилотларига ёрдам жамғармалари тўғрисида;

— ВЛКСМда назорат ва ВЛКСМ Марказий назорат комиссияси тўғрисида Низомни қабул қилди.

Съезд ВЛКСМ Марказий Қўмитасини, ВЛКСМ Марказий назорат комиссиясини сайлади.

ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби этиб Владимир ЗЮКИН, Марказий назорат комиссиясининг раиси этиб Валерий ПАРФЁНОВ муқобиллик асосида сайланди.

Шу билан съезд ўз ишини тугатди.



ЁШ АВЛОДГА

«Қайта қуриш йўлидан бирга борайлик» китобчаси нашрдан чиқди. Унга М. С. Горбачевнинг ВЛКСМ XXI съезди делегатлари ҳузурида сўзлаган нутқи ҳамда унинг 1990 йил 10 апрелдаги учрашувда съезд делегатларининг саволларига қайтарган жавоблари киритилган.

Китобчани сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди, у «Красний пролетарий» босмахонасида чоп этилди

(ТАСС).



ВЛКСМнинг XXI съезди ҳам тугади. Албатта, унинг иши мукаммаллик, илгаригидай «якдиллик»дан йироқ бўлди. Бироқ, бу анжуман мамлакат комсомоллари ҳаётида ўчмас из қолдириши шубҳасиздир.

Е. БОТИРОВ суратлари.

Демократия ғалаба қозонди

МОСКВА (махсус мухбирларимиз Ж. РАЗЗОҚОВ ва Ҳ. АКБАРОВ телефон орқали хабар қиладилар).

Мамлакатимиз навқирон авлодининг энг оммавий ижтимоий-сиёсий ташкилоти — ВЛКСМнинг XXI съезди ниҳоясига етди. «Россия»да ўтган анжуманнинг саккиз куни ҳали бери делегатларнинг ёдидан чиқмаса керак. Комсомол ўз фаолиятини қайта қуриш имкониятига эга эканлигини, сафларида чиниққан ва ҳар томонлама пишиқ ёш сиёсий сардорлар борлигини амалда намойиш этди. Делегатлар ошкоралик ва демократиянинг энг мукаммал намунасини съезд давомида ҳис қилдилар. Бу айниқса, анжуманнинг сўнгги кунида яққол кўринди.

Бу кун муҳим қарор ва резолюциялар қабул қилиниши билан биргаликда бевосита анжуманнинг ўзида ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби ва ВЛКСМ Марказий назорат комиссиясининг раиси сайланди. Бу, бизнингча, комсомол тарихида ягона воқеа. Съездда очиқчасига кўп номзодлар орасида танлаб олинган номзодлар учун делегатлар демократик асосда овоз бердилар. Биз аввалги репортажларимиздан бирида биринчи котибликка анча-мунча талабгорлар борлигини айтган эдик. Лекин уларнинг кўпчилиги ўз номзодларини қайтариб олишди ва съезд сайлов варақасига қуйидаги ўртоқлар киритилди: В. Зюкин, С. Смирнов (ВЛКСМ МҚ котиблари), СССР халқ депутати А. Шаронов, Чернобиль АЭС комсомол ташкилоти котиби И. Исхацов, М. В. Ломоносов номли Москва Давлат дорилфунунининг катта илмий ходими М. Сотников, Харьков вилоят комсомол қўмитасининг котиби А. Дунебабин.

Делегатлар номзодларнинг таржимаи ҳоли ва ҳаракатномаси билан олдиндан таниш эдилар. Шунинг учун уларни муҳокама қилиб ўтиришмади. Сайловга киришилди. У икки босқичда ўтказилди. Биринчи даврада яширин овоз беришда икки номзод — В. Зюкин 713 овоз, А. Шаронов — 461 овоз билан ғолиб чиқишди ва уларнинг номзоди кейинги сайловга қўйилди. Айрим делегатлар иккинчи босқични очиқчасига ўтказишга даъват этдилар. Лекин бу амалга ошмади. Сайлов яширин овоз бериш билан ўтди. Ниҳоят орзиқиб кутилган дақиқалар келди. Бу вақтда 19 апрель аллақачон бошланган эди. Кремль соатининг миллари 01 [15] ни кўрсатарди. Шу дақиқаларда ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби маълум бўлди — Владимир Зюкин.

ВЛКСМ Марказий назорат комиссияси раислиги учун ўтказилган худди шундай босқичма босқич сайловда Латвия ЛКЕИ МҚнинг иккинчи котиби бўлиб ишлаб турган Валерий Парфенов ғолиб чиқди.

Съезд якунланди. Делегатлар янги комсомол сардорларини қутладилар. Москваликлар тинч оқшом оғушида дам олаётган пайтларида «Россия» меҳмонхонасининг улкан мусиқа залида «Байналмилал» қўшиғи янгради. Ҳамма куйлади. Фақат русча эмас, балки қозоқча, украинча, туркманча...

* * *

Одатимизга кўра анжуман ишига сўнгги нуқта қўйилган лаҳзаларда биз яна делегатларимизни суҳбатга тортдик. Уларни анжуман якунлари тўғрисидаги фикрларини билишга қизиқдик. Қуйида эътиборингизга **Наманган вилоят комсомол қўмитасининг саркотиби Муҳиддин ТУРСУНОВ** билан съезд залида қилган суҳбатимизни ҳавола этамиз.

— ВЛКСМ Устави лойиҳасини дастлаб олганимиздаёқ ундаги талай камчиликлар яққол сезилиб турганди. Бу ерда, съезд жараёнида, мунозара марказларида билдирилган танқидий фикр ва таклифларнинг қанчалик кўп бўлишига қарамай назаримда Устав барибир таҳлилбоплигича қолди. Ҳозирги ҳолдаги Устав билан жойларда иш олиб бориш жуда қийин. У ҳаддан зиёд мураккаб. Ҳолбуки, комсомол сафига ўтаётганларнинг 90 фоизидан кўпроғи мактаб ўқувчиларидир. Устав лойиҳаси муаллифлари ана шуни етарли эътиборга олишмаган. Съездда комсомолга тааллуқли асосий учта ҳужжат: Декларация, ВЛКСМ Ҳаракатномаси ва Устави қабул қилинди. Бу ҳужжатлар бир бири билан узвий боғлиқ бўлиши керак.


Съезд кейинги пайтларда қандай ёшлар оқимлари кураш майдонига чиқиб келаётганини кўрсатди. Бу оқимларни мен ўзимча уч гуруҳга бўлдим. Уларнинг тутган йўллари қуйидагича: биринчиси, комсомолни тубдан қайта қуриш тарафдорлари (федерация асосида мустақиллик); иккинчиси, комсомолни шундайлигича сақлаб қолиш; учинчиси, комсомолни тарқатиб юбориш ва унинг ўрнига ёшларнинг бошқа бир ташкилотини тузиш.

Мен бу галги съездда комсомол ветеранларини деярли учратмадим. Ўйлайманки, уларнинг ўринлари съезд ишида жуда билинди. Айрим масалаларда фикр ва маслаҳатлари жуда кераклиги сезилиб турди...

Фикрлар чорраҳаси

Москвада мамлакатимиз комсомолларининг анжумани тугади. Унинг кескин тус олгани кўриниб турибди. Хўш, у ерда-ку шундай экан, бизда-чи? Йигит-қизларимиз съездда билдирилган фикрларга қандай муносабатда бўлишди? Биз суҳбатдошларимиздан ана шу саволларимизга жавоб қидирдик.


Бахшилло ТОШЕВ, Тошкент халқ хўжалиги институтининг толиби:



— Съезд тўғрисидами? Бирор нарса дейишим қийин. Ҳозир диплом ёзиш билан бандман. Тўғриси, бошқа ишларга вақтим йўқ.

Комсомолнинг мавқеига келсак, у жамиятдаги ролини тиклаб олиши мумкин. Фақат фаолиятини тубдан қайта қуриши лозим. Унга рақобатчи бўлишга даъвогар ташкилотлар етишиб чиқаётган бир пайтда бусиз жуда қийин бўлади. Ҳозирча эса ёшлар ҳаётида комсомолнинг ўрни сезилмаяпти.

Бахтиёр ОМОНОВ, тафтишчи инспектор:



— Комсомол давлатнинг ҳам, фирқанинг ҳам хизматкори билан баравар бўлиб қолди. Ҳали зарбдор қурилишларга юборилади, ҳали яна аллақаерларга. На бир сиёсатга таъсир кўрсата олади, на бошқа иш қўлидан келади. Илгарилари ҳеч қандай ҳужжатсиз фақат комсомол билети билан Москваларга бориб келиш мумкин бўлган. Ҳозир билетнинг қадри қолдими? Қўйинг, мени бу ишларга аралаштирманг. Ўзим ҳам комсомол эмасман, фарзандларим ҳам комсомол бўлишини истамайман.

Абдусалом ҒАФУРОВ:



— Комсомол керак, деб ўйлайман. У сиёсатга реал таъсир кўрсатмаяпти деган фикрга унча қўшилмайман. Жумҳурият Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқи ҳозир катта ижтимоий-сиёсий ҳаракатномалар ишлаб чиқмоқда. Уларнинг натижаси бирдан сезилмаслиги мумкин. Лекин вақт ўтиши билан бу тадбирлар, албатта ўз мевасини беради.

Азиз ҲОШИМОВ, истеъдодли ёшларни тайёрлаш бўйича «Ниҳол» жумҳурият илмий марказининг ходими:



— Ростини айтсам съездни кўрганим йўқ. Бошқа муҳимроқ ишларим бор. Бироқ комсомол инқирозга юз тутди, деган фикрга ишонмайман. Масалан, бизнинг марказимиз ҳам комсомол ташаббуси билан тузилган. Қолаверса, комсомолнинг йиллар давомида шаклланган структураси, ишлаш услуби бор. Алифдан бошлагандан кўра, шунга суяниб фаолият олиб бориш, менимча, осонроқ бўларди.

Умида МУРАТОВА, Шаҳзода СОИБОВА, ТошМИ толибалари:



— Комсомолми? Аъзолик бадалини йиғишдан бошқа нарсага ярамай қолган. Ўз иши билан шуғулланмайди. Масалан, ижтимоий-сиёсий муаммолар шунчалик кўп бўлган бир вақтда бизни комсомол аъзоси сифатида пол ювиш, деворий газета чиқариш, деканатда рўйхатлар ёзишга мажбур қилишади. Ваҳоланки бу иш билан шуғулланадиган кишилар бўлиши керак.

Комсомол мустақил бўлсагина ёшлар ўз хоҳишлари билан унга аъзо бўлишади деб ўйлаймиз.

Съездними? Кўрганимиз йўқ.

Фурқат НЕЪМАТ.

* * *

Муҳаммад АМИН суратлари.

21 АПРЕЛЬ — ШАНБАЛИК КУНИ

Ижтимоий эҳтиёжларга

ФАРҒОНА механика заводининг ишчилари «Сургутнефть» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоасининг В. И. Ленин туғилган куннинг 120 йиллигига бағишлаб шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини якдиллик билан қўллаб-қувватладилар. Бу ерда 21 апрель куни 104 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашга қарор қилинди. Бошқарув ходимлари ва ёрдамчи хизмат ходимлари завод ҳовлисини, «Тонг» пионер лагерини, «Парвоз» санаторий-профилакторийсини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш билан шуғулланадилар.

Ишлаб топилган саккиз минг сўм пулни завод касаба уюшма қўмитасига ва улар оталиғидаги Фарғона эмизикли болалар уйига ўтказадилар.

Орол фондига

САМАРҚАНДДАГИ «Электробитмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг мингдан ортиқ ишчиси бўлажак шанбалик кунини дастгоҳлар олдида ўтказадилар. 200 та холодильник ва 63 минг сўмлик бошқа маҳсулот ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Маблағ завод пионер лагери қурилишига ва кам таъминланган оилаларга ёрдам беришга сарфланади. Орол жамғармасига икки минг сўм пул ўтказишга қарор қилинди.

Режалар аниқланди

ҚЎҚОН пайпоқ тўқиш ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходимлари 21 апрель куни зарбдорларча меҳнат қиладилар. Улар 40 минг жуфт пайпоқ тайёрлайдилар. Меҳнат жамоаси кенгаши қарори билан ишлаб топилган фойданинг бир қисми — 2 минг сўм пул корхона касаба уюшма қўмитасига ижтимоий-маиший эҳтиёжларни ҳал этиш учун ўтказилади. Асосий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган кишилар пионер лагери, профилакторий, дам олиш зонасини ободонлаштирадилар.

Ишлар кўлами белгиланди

«СРЕДАЗГАЗПРОМ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳар бир ходими шанбалик куни нима иш билан шуғулланиши белгиланди. 21 апрель куни 32 мингдан кўпроқ киши меҳнат вахтасида туради. Ишлаб топилган 41 минг сўмдан кўпроқ пулни бирлашма корхоналари касаба уюшма қўмиталарининг ҳисоб дафтарчасига ўтказиш режалаштирилди. Ана шу пулнинг 10 фоизга яқини, меҳнат жамоалари кенгашларининг қарорига асосан, экологик офат зонасида яшаётган аҳолига ёрдам бериш учун Қорақалпоғистон вилоят касаба уюшма кенгашига юборилади.

(ЎзТАГ)

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг Фармони

1990 йил 9 Май куни Москва шаҳрида Қизил майдонда қўшинлар парадини ўтказиш тўғрисида

1990 йил 9 Май куни совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабаси шарафига Москва шаҳрида, Қизил майдонда қўшинлар паради ўтказилсин.

СССР мудофаа министри ўртоқ Д. Т. Язовга парадни қабул қилиб олиш вазифаси топширилсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.

1990 йил 17 апрель.

Математиклар беллашуви

Пойтахтдаги Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институтининг «Олий математика» кафедрасида ҳар йили юқори синф ўқувчилари ўртасида математикадан олимпиада ўтказиш анъана тусини олган. Бу йилги олимпиада олдингиларидан кескин фарқ қилди. Аввалларн беллашувда Тошкент шаҳри ва вилояти ўқувчиларигина иштирок этган бўлсалар, бу сафар у жумҳурият миқёсида ўтказилди. XVII математиклар олимпиадасида Тошкент шаҳри ва вилояти билан бирга Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ҳамда бошқа вилоятлардан, жами 708 нафар ўқувчи қатнашди.

Мусобақа икки турдан иборат бўлди. 1 турда яхши кўрсаткичга эришган 47 ўқувчи навбатдаги босқичга қўйилди.

11-синфлардан пойтахт физика-математика мактаби ўқувчиси А. Мамадалимов, Ленин ноҳиясидаги 110-мактаб (Тошкент) ўқувчиси А. Прозоров, 10-синфлар бўйича ҳам шу мактаб ўқувчиси А. Ильин биринчи ўринни эгалладилар. Ғолиблар фахрий ёрлиқлар ва китоблар билан тақдирландилар.

11-синф ўқувчилари орасида 1 — 3 ўринларни эгаллаган ёшлар институтимизга кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган тақдирда конкурссиз қабул қилиниш имтиёзига эга бўлдилар. Дарвоқе, бундай тадбирни ўтказишдан мақсад ҳам ўқувчиларнинг математикадан олган билимларига ижобий туртки бериш, маҳоратини синаб кўриш, муҳими эса, аълочи ўқувчиларни институтимизга жалб қилишдир.

Аввалги олимпиадаларда ўз билимларини синаб, тобланиб олган бир қанча қатнашчиларимиз, хусусан унинг ғолиблари ҳозирги кунда Москва ва Тошкент Давлат дорилфунунлари, Москва ва Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар, Тошкент политехника, ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш институтларида таълим олишмоқда. Мазкур беллашув шунчаки ёш математиклар мусобақаси бўлибгина қолмай, унинг иштирокчилари учун келгусида ижодий ютуқлар сари йўллайдиган кўприк вазифасини ҳам ўтайди.

Шорасул ШОАВЗАЛОВ,
Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институти «Олий математика» кафедраси катта ўқитувчиси.

«Агар мен комсомол ходими бўлсам...»

...Комсомолнинг обрўси йўқ, деган жумлага маҳкам ёпишиб олдик. Бечора комсомол. Баҳони қаранг! Гўё кеча, ундан олдин ҳеч ким бўлмаган! Етмиш йиллик тарих Сталин, Хрущёв, Брежнев каби «содиқ ленинчилар» сиймосида балчиққа чапланиб ётибди. Уни сўнгги беш йилда шу ҳолга солдик. [illegible] — ўз уйимизга ўт қўйиб юбордик, ҳаммаси ёнди...

Энди... ака укасининг, ўғил отанинг бошини олган фуқаролар уруши ҳам йўқ. Жамоалаштириш сиёсий хато бўлиб чиқди. Улуғ Ватан уруши «Молотов-Риббентроп сулҳи» туфайли олдинги қаҳрамонлик солномасини бой берди. «Қўриқ жасорати» Хрушчёвники, БАМ эса Брежневнинг ёшларни алдаб, ит топмас хилватгоҳлар, маҳбус юрмас сўқмоқларга «сургун қилиш» экан, холос...

Бечора комсомол. Олти орден оламан, деб олти марта алданган ташкилот. Бу жанглардан миллионлаб энг аъло ёшларини тупроққа берган содда жамоа.

Алам қиладигани шу-да. Жамиятни оёққа турғазиш учун жонини жабборга берган, неча-неча қатағонларда тутдек тўкилган комсомол бугун яна навбатдаги «тўкилиш» арафасида. Яна, таассуфки, қатағоннинг ҳиди келиб турибди...

Ўхшатишим ноўрин бўлса, кечирсинлар, аммо бугунги комсомол менга бутун умри азоб-уқубатларда кечган, вақтида қадрини, шонини ўйламаган, белидан мадор кетган пайти турли идоралар эшигини қоқиб, тириклик ғамида, яшаш учун керак энг оддий матоҳларни сўраб, [illegible] юрган кексани эслатади. Увадаси чиққан кителида олтита орден ҳам бор. Сўрайди, илтимос қилади. Куни шунга қолган. Маҳкамачилар — маъмурий-буйруқбозлик силсиласининг қулоғи кар, кўзи кўр. Ўз жонини асраш ғамида. «Замон бунақа, ҳар ким ўз аравасини тортиши керак. Қолаверса, турли-туман илтимосчилар кўпайиб, жонга тегиб кетди...»

...Мухтор жумҳуриятнинг узоқ ноҳияларидан бирида менга ҳамроҳлик қилган комсомол ходимининг ҳикоялари ҳамон эсимдан чиқмайди. Борадиган манзилим салкам эллик чақирим экан. Ноҳия марказидан уёққа кунига икки марта автобус қатнайди. Биринчисига кечикибмиз. Иккинчиси кечқурун бўлади, дейишди. Вазият бугун етиб боришни тақозо қиларди. Биринчи котиб хизмат машинаси устахонада эканлиги учун узрини айтди. Аппарат ходимларидан фақат биттасида шахсий енгил машина бўлиб, аксига у бугун эрталаб марказга зарур ҳужжатларни олиб кетган экан.

Ҳамроҳим, бўлим мудири телефон рақамларини тера бошлади. У ҳар сафар суҳбатдошлари билан саломлашгач, «илтимос» сўзини қайта-қайта айтиб, муддаога кўчарди. Иши битмагач, узр сўраб, пешона терларини артиб, яна рақам терарди. Лоф эмас, ноҳиядаги [illegible] идора-ташкилот бўлса, [illegible] қўнғироқ қилиб чиқди. Эллик марта салом, юз марта илтимос, юз марта узр айтилди. «Раҳмат» иборасининг ҳисоби йўқ. Демак, иш битмади...

Вилоят комсомол қўмитасида йўриқчи бўлиб ишлайдиган дўстимиз «нима учун иш жойида кам бўласизлар?» деган саволимга шундай жавоб қилган: «Билмайдиганлар бизларни телефон орқали иш битирадилар, куни билан хонада [illegible] дейишади. Кошки шундай бўлса. Комсомол идораси [illegible] ёки ҳуқуқ-тартибот органи эмас, телефонда иш битирадиган. Ҳар бир ташкилотга [illegible] кириб, минг илтимосни айтиб, кичкина бир ишни битирсанг, катта гап. Алам қиладигани ўзинг учун эмас, ташкилотнинг умумийи учун кимларгадир ялиниш-ёлвориш керак...»

Ноҳияларда бўлганимда комсомол [illegible] келгусида қилмоқчи ишларининг ҳомаки режаларини сўзлаб беришни яхши кўришади. «Ундоқ қилмоқчимиз, бундоқ қилмоқчимиз», «Йиғилишда ёшлар шундай ташаббус кўтаришган...» Вақт ўтиб, яна йўлингиз тушса, энди навбатдаги «бошлама»лар ҳақидаги маърузаларни эринмай тинглашга мажбурсиз. Олдинги «эзгу ният»ни ё фирқа қўмитаси, ё ижроқўм маъқулламаган бўлиб чиқади. Ортиқча савол бериб, шундоқ ҳам [illegible] ёш етакчининг кайфиятини туширгингиз келмайди. Илож не — шериклик ош...

Ҳозирги комсомол ходимларига кўра ёшимиз [illegible] катта. Шу боиски, уларни сусткашликда, лоқайдликда, қуруқ сўзликда айбламоқчи бўлсангиз, «тергаш»га тушишади: «Комсомолда ишлаганмисиз?» «Йўқ» «Ана! Ишлаб кўрсангиз биласиз...» [illegible] Ким табиб, бошидан ўтган табиб. Шу мақол етар, нима демоқчи эканимни англатишга.

«Комсомол иши шу қадар жонимга тегиб кетдики, ариза ёзай деймал-у, беш йиллик меҳнатимга ичим ачийди. Яна бир йил чидаб берсам, у ёғи фирқа мактаби. [illegible]» [illegible] Комсомолнинг тепасида текширувчилари, хўжайинлари кўплиги. Ўзаро муроожаатда менсимай, «комсомол» деб муомала қилишлари [illegible]

Комсомолга, унинг кўп сонли ходимларига осон эмас. Оладиган маоши кундалик харажатлар, турли борди-келдиларга кетади. Иш вақтининг чўзилиб кетиши, дам олишсиз ишлаш, якшанба кунлари ҳам «қандайдир зарур ҳужжат» устида бош қотириш... Жўнатишлар, кутиб олишлар. Турли ташкилотлардан келадиган меҳмонларнинг кўнглини топиш...

Шу сабабли ҳозирда комсомол ходими бўлишни истовчилар ҳам кам. Бўш ўринларга конкурс эълон қилинганида кўпи билан тўрт-беш нафар киши мурожаат қилади. Уларнинг аксари ишсиз юрганлар. Ишлаб чиқариш ташкилотлари, хўжаликларда ишлайдиган мутахассисларни бўйнига арқон солиб бўлса-да, аппаратга ишга келтириш қийин. Ким ўз севган касби, етарли маоши, қулайликлардан айри тушади? Яна катта корхонада обрўли мутахассис бўлган йигитнинг комсомол ходими бўлгач, [illegible] кетади...

Шуларни ўйласам, аввало комсомол ходими бўлмаганимга шукр қиламан...

Комсомолнинг қуйи бўғинлари (улар асосан хўжалик, ташкилот раҳбарлари измидаги ходимлар) ишини бир амаллаб тортаётган ёшлар билан ҳамсуҳбат бўлган пайтларимда севимли ташкилотимизнинг [illegible] сўзга айланган «Ҳаргиз илтимосга кунинг қолмасин» сатрлари ёдимга келади. Фирқа, шўро ташкилотлари оддий фуқаро олдида обрўсини йўқотиб қўйган бир пайтда [illegible] комсомол обрўси ҳақида гапириш ортиқча. Гап олти нишон осган «қаҳрамон кекса»нинг яшаш-яшамаслиги ҳақида кетяпти...

Нима қилиш керак? Агар мен комсомол ходими бўлсам... Қўйинг шу можарони! Буюрганлар [illegible], бошига тушганлар ишлайверсинлар, уларга тўзим берсин!

«ИЛТИМОС...» ЧИЛАР

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ёш ленинчи» мухбири.

«Ёш ленинчи»га жавоб берадилар

ДИПЛОМ МУБОРАК

«Мен Нурбиби Эргашева Қамаши ноҳиясидаги қишлоқ хўжалиги техникумининг бухгалтерия бўлимига 1987 йил ўқишга кирдим. Аъло ўқиш билан биргаликда барча жамоат ишларида фаол иштирок этдим. Мақсадим техникумни имтиёзли диплом билан тугатиб, олий ўқув юртига кириш эди. Ўқишни аъло битирсам ҳам, лекин менга имтиёзли диплом берилмади. Йўриқномаларда кўрсатилишича, имтиҳон ва зачётларнинг 75 фоизини аъло баҳога топширганлар учун имтиёзли диплом берилиши керак. Менинг олган баҳоларим эса 97,5 фоизни ташкил этади. Мен техникум директори Анвар Қудратовга, илмий бўлим мудири Ҳасан Чорнеевга учрашдим. Ахир мен ҳақман-ку. Ҳақиқатнинг қарор топишида ёрдам беришларингизни илтимос қиламан».

Нурбиби Эргашеванинг шикоят хати текшириб, чора кўриш учун Қашқадарё вилоят халқ назорати қўмитасига юборилди. Қўмита раиси А. У. Бозоров имзоси билан қуйидаги жавоб олинди: «3.10.89 йил. Иккинчи комиссия тузилиб, Н. Эргашевага имтиёзли диплом беришга қарор қилинди. Хатога йўл қўйган техникум ўқитувчиларидан О. Ҳамраев, Б. Жўраев, Н. Ҳакимов, У. Евқошевларга қаттиқ ҳайфсан берилди».

Ҳақиқат қарор топди. Имтиёзли диплом ўз эгасига тегди.

МУХБИР АРАЛАШУВИДАН СЎНГ...

Пайариқ ноҳиясидаги Киров номли совхозда яшовчи Ўрол Туримовдан редакцияга шикоят хати келди. **«Зооветеринария техникумини битириб, 1983 йилдан бери совхозда техник изоляторчи штатида ишлардим. Совхоз дирекцияси штат қисқариши муносабати билан 9 кишини 1989 йил 1 июнь куни 66-буйруқ билан ишдан бўшатди. Шулар орасида мен ҳам бор эдим. Лекин мен ишлаб турган техник изолятори штатига, чорва бригадири бўлиб ишлаётган Ўта Абдуллаевга буйруқ чиқди. Ҳозир ишсизман. 5 фарзандим бор».**

Ушбу шикоят юзасидан рўзномамизнинг Самарқанд ва Бухоро вилоятлари бўйича ўз мухбири Г. Алибоева Пайариқ ноҳиясининг Киров давлат хўжалигида бўлди. Мухбиримизнинг аралашувидан кейин Ўрол Туримовга икки ойлик иш ҳақи тўланди ва у № 181-К буйруқ билан қайта ўз ишига тикланди.

ИСТАК АМАЛГА ОШДИ

«Маҳалладошимиз Абдумуталлиб Маманнаев Афғонистонда ўз байналмилал бурчини бажараётганда ҳалок бўлганди. Байналмилалчининг номини абадийлаштириш учун Шовруқ номли кўчамизга унинг номи берилишини истаймиз», — деб ёзади «Пахтаобод» ноҳиясининг «Москва» жамоа хўжалигидаги Алишер Навоий номли мактабнинг 10-синф ўқувчиси Осиёхон Ҳурбоева.

Осиёхоннинг бу мактубини ўрганиб, чора кўриш учун Халқ депутатлари Пахтаобод ноҳия Совети ижроия Қўмитасига юбордик. **«Уйғур» қишлоқ Совети ҳудуди бўйича,** — дейилади халқ депутатлари Пахтаобод ноҳия Совети ижроия қўмитаси раиси Х. Янгибоев йўллаган жавоб хатида, — **Афғонистонда 5 нафар йигит ҳалок бўлган. Байналмилал жангчилар туғилиб ўсган кўчалардан учтасига уларнинг номлари қўйилган. Шовруқ қишлоғида яна 56 та ширкат уйлари қурилди. Ана шу янги уйлар қурилган кўча байналмилал жангчи Абдумуталлиб Маманнаев номи билан аталади. Шунингдек, ана шу янги уйлардан бири А. Маманнаев оиласига ҳам берилган. А. Маманнаев номли кўчада байналмилал жангчининг уй-музейини ташкил этиш учун ҳам махсус жой ажратилган.**

Кўчаларнинг «ном кўрсаткичлари» эса фақат уйлар тўлиқ қуриб бўлингандан кейингина илинади. «Ном кўрсаткичлар»ни тайёрлаш ва кўчаларга ўрнатиш вазифаси халқ депутатлари қишлоқ Совети ижроқўми раиси зиммасига юклатилди».

Жумҳурият янгиликлари

УЙ ҚУРАЁТГАНЛАР УЧУН — ТАҚЧИЛ МОЛЛАР

⊙ ҚЎҚОНДАГИ бинокорлик материаллари заводининг ходимлари ажратилган ер участкаларида якка тартибдаги қурилишни ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Биринчи квартал якунига кўра, улар янги уйларнинг бўлғуси эгалари учун планга қўшимча равишда 350 минг дона ғишт, кўплаб пардозбоп кошинлар, 40 минг донадан ортиқ деворбоп блоклар етказиб бердилар. Бу эса завод ходимларига қўшимча 50 минг сўм фойда олиш имконини берди.

СМЕНАДАН СЎНГ СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШГА

⊙ ЧИРЧИҚДАГИ «Ўзбекхиммаш» заводида ўз ходимларининг саломатлиги ва дам олишлари тўғрисида ғамхўрлик қилдилар. Бу ерда «Олимпия умидлари» спорт комплекси фойдаланишга топширилди. Комплекс қурилишига 80 минг сўм сарфланди. Энди завод ишчилари ва яқин атрофдаги микрорайонларнинг аҳолиси бўш вақтларини фойдали ўтказишлари мумкин. Волейбол ва баскетбол майдончалари, спорт тренажёрлари зали улар ихтиёрида.

ЎЗЛАРИНИ СУТ БИЛАН ТАЪМИНЛАДИЛАР

⊙ «ҚЎШТЕПА» ёрдамчи хўжалигида қуюқ сут тайёрлайдиган мўъжазгина линиянинг ишга туширилиши Фарғона темирйўлчиларини узлуксиз тўйимли маҳсулот билан таъминлаш имконини берди. Ана шу кичик цехдан ҳар куни 600 килограммгача сут жўнатилади. Бундан ташқари темир йўл Фарғона бўлимининг «аграр цехи» ўз ходимларини янги сўйилган гўшт билан таъминламоқда.

ПОЙДЕВОР БАРПО ЭТИЛДИ

⊙ «ЎЗБЕКГИДРОЭНЕРГОСТРОЙ» бош пудратчи трест қурувчилари Қашқадарё вилоятидаги Таллимаржон ГРЭСининг биринчи энергоблокини тиклаш юзасидан асосий ишларни бошлаб юбордилар. Бош қозонхона агрегатига технология ускуналарини таганроглик машинасозлар етказиб беришмоқда. Келаси йили бу ерга Ленинград «Металлический завод» бирлашмасида тайёрланган турбина узеллари келтирила бошлайди.

ТЎҚИМАЧИЛАР НАКАЗЛАРИГА КЎРА

⊙ БУХОРО ип-газлама бирлашмасининг бош корхонасида бир вақтнинг ўзида чойхона, қаҳвахона, десерт бари, янги маиший хоналар очилди. Булар меҳнат жамоаси кенгашининг қарори билан қурилди. Ўтган йил охирида жамоа ўртасида савол-жавоб ўтказилди. Ишчи аёлларнинг фикрича, корхонада ижтимоий-маиший шароитни яхшилаш учун нималар қилиш зарурлиги аниқланди.



Экин-тикин тараддудини эрта кўрганлар сафида Раҳимбой Рўзметов бошқараётган жамоа ҳам бор. Уларнинг ихтиёридаги майдон 76 гектар. Деҳқонларнинг аксари ёшлар бўлиб, ҳосилдорликни гектаридан 31 центнерга етказиш ниятидалар. Ҳозирча ишнинг кетиши ёмон эмас. Бутун эътибор чигит қадашга қаратилганидан бу юмуш эртаиндин охирига етади.

Илғорлар ҳақида гап кетса Назира Отажонова, Муҳаббат Аҳмедова ва Зулфия Отамуродоваларнинг номлари тилга олинади.

Суратчи мухбиримиз Ж. ҚОЗОҚОВ Хоразм вилоятининг Хонқа ноҳиясидаги «Хоразм» жамоа хўжалигида бўлиб шу далилларни олиб қайтди.

Иқтисод ва ҳаёт

ИЖАРА ВА ИЖАРАЧИЛАР

Кундалик сўзлашув луғатимиз кейинги 4-5 йил ичида шунчалик бойидики, яқин келажакда уларни тизиб чиқиш учун янги луғат очишимизга тўғри келадиганга ўхшайди. Қайта қуриш «мева»ларидан бўлган биргина ижара иборасининг ўзини олиб кўрайлик. Бугунги кунда бутун бошли корхона ва ташкилотлар, хўжаликлар ижара шароитида фаолият юритишни мақбул, деб топмоқда.

Хўш, иқтисодий хўжалик юритишнинг бу усули афзалликлари нимада? Айниқса, ижаранинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги афзалликлари қайси ўринларда намоён бўлади?

Мухбиримизнинг Ф. Энгельс номли Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти сиёсий иқтисод кафедраси ўқитувчиси, иқтисод фанлари номзоди Расулжон АБДИМАЖИТОВ билан суҳбати ана шу мавзуга бағишланди.

— Айтингчи, ижара ҳақидаги Низомда «ер, ишлаб чиқариш воситалари, табиий ресурслар ижарага берилади», дейилган. Жумладан, ерни кадастр бўйича ижарадордан ижарага олишади. Хўш, кадастрнинг ўзи нима?

— Ижарачи деҳқонлар ерни 3-5-10 йилга ижарага олиб қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирадилар ва шу олинган маҳсулотнинг 70 фоизини давлат буюртмасига биноан топширадилар. Қолганини ижарачи ўз ихтиёри билан сотиши, айирбошлаши, истеъмол қилишига рухсат берилган. Деҳқон юридик томондан қолган даромаднинг эгаси бўлади. Кадастр дегани — ерни балли системадан келиб чиқиб тупроқ, иқлим, олинадиган ҳосилдан келадиган даромад бўйича ижарадорга маълум фоиз миқдорда ижара ҳақи тўлайди. Масалан, пахта экиладиган экин майдони 5 йилдан юқорига ижарага олиниб, ерга нисбатан ижара ҳақи ҳам унинг ярмиси бўлади. Ерни кадастрлаш асосан давлат солиғи учун чиқарилган. Ижарачи йиллик ижара миқдорини ернинг иқтисодий баҳосига асосан тўлайди.

Шунинг учун ҳам ижарачи ҳосилдор ерни олишга интилади. Чунки ҳозиргача зарарга ишлаб келаётган хўжаликларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархи ўзгармаса, ижарачи фойда ўрнига зарар кўради. Демак, ижарадордан қарздор бўлиб қолиш турган гап. Ижаранинг ютуқ томони шундан иборатки, деҳқон ер мулкига эга бўлгандай ҳис қилади ўзини. Эркин меҳнат қилиб ҳам маънавий, ҳам иқтисодий манфаат кўради. Сув, ёқилғи мойлаш материаллари тежалиб, маҳсулот таннархи арзонлашади. Бу ҳам ўз навбатида даромаднинг ўсишига олиб келади. Ҳар хил маъмурий аппаратнинг тўсиқлари ва расмиятчилик учун ўтказиладиган ўзаро текширишларга барҳам берилади.

— Оила, бригада пудратларидан ижара пудратининг фарқи қай жиҳатларда намоён бўлади?

— Бу фарқ жуда катта. Оила ва бригада пудрати мавсумий бўлиб, бу ерда қисман бўлса-да, мулкчилик йўқ. Мавсум тамом бўлиши билан булар ҳам тугайди. Ижара пудрати шароитида эса ер, техника ва бошқа асбоб ускуналарга ижарачи ярим хўжайин бўлиб, ижара ҳақи тўлайди, қуйидан юқоригача хўжайин ҳисобида бўлади.

Жумҳуриятимизда оила, бригада пудратлари кенг тарқалмади, айниқса, чорвачилик ва пахтачиликда. Қолган тармоқларда эса бу усул илгаридан ҳам мавжуд эди. Аммо бу нарса қонун йўли билан тартибга солингунга қадар пудратчилар қанчадан-қанча азоб чекишмади, дейсиз? Биргина мисол.

Қорақалпоғистонда беда уруғи етиштирадиган давлат хўжалигига корейслар келишди. 10 гектар бедапояда оила пудрати асосида ишлашган. Шартнома бўйича гектарига 2,5 центнер беда уруғи беришлари керак. Ҳосил йиғиштирилиб бўлинганда давлат хўжалиги маъмурияти қараса, 2,5 тонна беда уруғини омборга топшириб 5,5 тоннани олиб кетишаётган экан. Дарҳол ишга киришиб, ортиқча уруғни ҳам олиб қолишган. Жанжал то вилоят қўмитасигача, вилоят прокуратурасигача борган. Можаро 3 ой давом этган. Шунда жонига теккан пудратчилар хизмат ҳақимизни беринглар деб, туриб олишган. Ҳисоблашса уларнинг иш ҳақи 100 минг сўм бўлиб чиққан. Уни ҳам беришмаган. Шунда ҳолдан тойган ижарачилар ишни ташлаб кетишган. Сўнг давлат хўжалиги раҳбарлари дўппини бир чеккага қўйиб ҳисоблашса, бу жаҳон рекорди. Ахир гектаридан 8 центнер уруғ-а! Шунда улар ижарачиларни излашга тушишган. Лекин топа олишмаган.

Ёки яна бир мисол. **Наманган вилоятининг Норин ноҳияси «Пахтакор» жамоа хўжалигида бир деҳқон пиёзнинг гектаридан 102 тоннадан ҳосил олган. Олгану балога қолган. Дарҳол РАСБдан комиссия тузилиб, текшир-текширни бошлаб юборишган. Ҳатто, ҳосилнинг ҳаммасини омборга топширмаган, деб уларни ўғрига ҳам чиқаришган.**

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ижара шароитида бунақа ҳолатлар бўлмайди. Низо ва можароларни фақат суд ҳал қилади. Ижарага ўтган давлат ва жамоа хўжаликларида, фермер хўжалигига яқинроқ усулда иш юритиш, яъни агрономлик, инженер-техник, таъминот, иқтисодий-молиявий хизматлар ташкил этилиб, бунда улар хўжайин эмас, ижарачига хизматкор ролига алмашинади. Қанча хизмат қилса, шунча иш ҳақи олади. Қоғозбозлик камаяди.

Жамоа хўжаликлари ҳозирча расмий ҳолда 44 формада 31 минг турли-туман ҳужжатларни тўлдириб ишлайди. Ижара шароитида эса бу нарса ўз-ўзидан камаяди. Хўжалик ичида чек системаси амалга ошади. Ижарачи банкдан ҳисоб очиши мушкул. Шунинг учун деҳқонлар ширкатлари тузиш керак. Бунда ижарадордан кейин суб ижарадорлар ҳам бўлади. Ҳамма ижарачи деҳқонлар ҳам иқтисодни, молияни, банк операцияларини билмайди-ку? деган савол туғилади. Бунинг учун ширкатларга мутахассис-иқтисодчиларни олиш керак бўлади. Маҳсулот реализациясига бозор муносабатларига тўхтасак, деҳқон ҳам далада, ҳам банкда, ҳам бозорда, ҳар хил ташкилотларда югуриб юра олмайди. Аммо у бозорни билиши шарт. Буни тўғри йўлга қўйиш учун бир қисм ижарачилар ишлаб чиқариш (технологик) жараёнида хизмат қилса, иккинчи қисми реализация ва қайта ишлаш билан шуғулланади. Бу ўринда қайта ишлаш ва реализация қилиш бўйича ширкатлар тузилсагина, деҳқон меҳнати самара беради.

— Қишлоқ хўжалигида зудлик билан фермер хўжалигига ўтиш тарафдорлари жуда кўп. Бу ҳақда махсус қарорлар ҳам йўқ эмас. Сиз бу тўғрида нималар дея оласиз?

— Агар фермер хўжалик системаси бизни қишлоқ хўжалигимизда амалга ошиб қолса, биласизми, жуда катта самара олган бўлар эдик. Фермер мустақил бўлиб, фан-техника янгиликлари кетидан қуварди. Энди у ишлаб чиқаришга ижодий ёндашиб, турли янгиликларни ишлаб чиқаришга ўз ақл-заковати билан тадбиқ этарди. Гўшт, сут етиштирган фермерни олайлик: у чорвачилигининг зарарга ишлашини истайди, дейсизми? Асло! Уларнинг ишлаб чиқариши бозор билан узвий боғлиқ бўлади. Хатога йўл қўйгани ўз-ўзидан синади. Инқирозга учрайди. Фермерларнинг ўз банки бўлади. Улар барча операциялар технологиясига пул сарфи ва бошқа иқтисодий масалаларда ҳам фермерга ёрдам беради. Бизнинг банклар уларнинг банкидай фермерларга ёрдам бера оладими? Бу ҳам ҳозирча ечимини кутаётган масала. Бундай дейишимизга асос бор. Чунки хўжаликлар ўз пулларини шу кунгача СССР Давлат банкидан минг бор ялиниб, ёлвориб олиб келдилар. Фермер хўжалиги шароитига ўтишса, хўжалик ҳисобини тахминан қуйидагича амалга ошириш мумкин.

1. Ҳар бир ижарачи муайян маҳсулот етиштириш учун чуқур ихтисослашади. Фақат керакли техникадан унумли фойдаланади. Мавсумий ишчилардан ҳам бир ойга, уч ойга меҳнат шартномаси бўйича фойдаланиши мумкин. Шу ўринда яна бир нарса. Бизнинг чорвачилигимиз ҳамон эски тартиб ва тарифлар асосида юритилиб келинмоқда. Яъни кўп хўжаликларда сут соғувчи 250-400 сўмгача иш ҳақи олиб, унинг меҳнати шарафланади. Олқиш ҳам уники. Ўша ердаги молбоқар 150 сўм маош олади. Озуқа етиштириб жамғарадиганлар эса 70-80 сўм. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг. Сифатли озуқасиз чорвани тўйинтириш мумкинми? Йўқ, албатта. Модомики, яхши боқилмаган сигир кўп сут бермайди. Кўриб турганингиздек, пировард натижага кўра, даромад ҳаммага баробар тақсимланиши тақозо этилади. Яъни меҳнат ўлчамини системага солиш керак бўлади. Фермер хўжалиги ана шу қоида асосига қурилмоғи зарур.

— Ижарага ўтилса, давлат ва жамоа хўжалиги, завод-фабрика ичида тағин ўзига хос шундай хўжаликлар вужудга келмайдими?

— Агар ижарадор ижарачиликни ташкил қила билмаса, албатта, вужудга келади. Завод-фабрикада ижарачи уюшмалар (жамоа бўлиб) конкурс орқали тузилиб, бу ерда хом ашё ҳисобига тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилади. Маъмурият билан ҳисоб-китоб ҳам қишлоқ хўжалигига қараганда мураккаб эмас. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятлари бўлиб,ерга, сувга, обҳавога боғлиқ. Технологик жараён ҳам олти ойдан бир йилгача чўзилади. Маъмурий бошқариш аппарати кескин қисқариб, буйруқбозликдан амалий ишга ўтади ва шу кўрсатган иши учунгина ҳақ олади.

Завод ва фабрикадаги ижарачилар ширкатларга ўхшаб бирон янгиликни ишлаб чиқаришга жорий қилишда «таваккал» қиладилар. Бунинг учун суғурта фондини ҳам ташкил қилиб (ҳар эҳтимолга қарши) қўяди. Давлат корхоналарида таваккалчилик кетмайди. Чунки уларда бу турдаги суғурта фонди йўқ. Қишлоқ хўжалигидаги ижарачилар ҳам эҳтиёт чорасини қўллашлари мумкин.

— Ижарага ўтиш билан, ҳозирда мавжуд бўлган ишсизлар армияси янада кўпайиб кетмайдими?

— Биз тарихий тараққиётимизда доимо ишсизликдан қўрқиб келдик. «Социализмда ишсиз бўлмайди. Социализм тузумининг энг олий мақсади ҳам шу», деб ўзимизни ўзимиз алдаб, қўрққанимиздан маъмурий бюрократик аппаратни кенгайтириб келдик. Ҳозирда бу аппарат қарийб 18 миллион кишини ташкил қилиб, 5-6 ишловчига бир бошқарувчи тўғри келади. Биргина Норин ноҳиясида 1988 йилда олиб борган тадқиқотдан маълум бўлдики, ҳатто, хўжаликларда ҳам 9 кишига, ноҳия бўйича эса 7 кишига бир ходим тўғри келар экан. Ҳозирда эса ўша жойда маъмурий бошқариш аппарати 1,5 маротабага ошди. Ноҳия фирқа қўмитаси котиби А. Ҳайдаровнинг сўзига қараганда: «Фуқароларни қабул қилиш куни 30 одам билан суҳбатлашса, шундан 27 киши иш билан таъминлашларини сўраб арз қилади».

Ҳа, ишсизлик янада ортади. Агар бу масала оқилона ечилмаса. Ҳозирда жумҳуриятда ширкатлар орқали якка тартибда иш жойларини очиш керак. Бу биринчи омил. Иккинчи омил бу — вилоят ва ноҳияларда пенсионерларнинг иш ўринларида маҳкам ўрнашиб олишгани далили. Улар ҳам пенсия, ҳам юқори иш ҳақи олиб ишлаб туришибди. Қизиғи шундаки, 60-80 сўм пенсия олувчилар ишламай фақат 140—180 сўмгача пенсия олаётган маъмурий аппарат ходимлари ишлаб келишмоқда. Ишлаганда қандоқ. Ҳали-бери ўринни бўшатмайдиган кўринади улар. Мустаҳкам ўтиришибди. Учинчи омили: АҚШда ишлаб чиқаришдаги банд кишиларнинг 40,5 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасида ишласалар, бизда 20 фоизи ишлайди.

Агар бизнинг жамиятимизда ҳар кимни қобилиятига яраша ҳақ олиши амалга ошиб қолгудек бўлса, хизмат кўрсатиш шохобчалари кенгайиши орқасида миллионга яқин аҳоли иш билан таъминланади. Кишиларнинг навбатларда туриб йўқотаётган қимматли вақтлари тежалади. Ва бу нарса ўз навбатида ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигининг юксалишига олиб келади.

Битта мисол. Бизда ишчи ошхоналарининг аксарияти ўз-ўзига хизмат кўрсатиш «қоида»сига асосланади. Яъни, дейлик, тушликка чиқдингиз. Югур-югур бошланади. Чек учун навбатда туриш, патнис қидиришлар. Овқат олиш учун ҳам камида 10-15 минут туриб қоласиз. Сўнгра чойга чойнак-пиёла излашга тушасиз. Шундай қилиб, биргина «ташкилий» ишлар учун йўқ деганда ярим соат вақтингиз сарф бўлади.

Хўш, ишчи-хўранда беҳудага йўқотган шунча вақти ҳисобига 5-10 минут ҳордиқ чиқариб, 15-20 минут олдинроқ ишга киришса-чи? Бундан ишлаб чиқариш ва умуман корхона қанча даромад кўради? Изоҳнинг ҳожати йўқ.

Хорижликлар ёки бўлмаса Иттифоқимиздаги ВЭФ сингари корхоналарда меҳнат унумдорлиги нега юқори? Сабаби, бу жойларда меҳнатни илмий ташкил этиш омиллари оқилона қўлланилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ҳам ижара туфайли ишсиз қолганлар, қайта ишловчи (цех, кичик заводлардан) корхоналарга ишга жалб қилинса, уларга хизмат қилувчиларга ҳам инфраструктурада иш жойлари вужудга келаверади.

— Баъзи жамоа хўжаликларида ижарага ер беришни ижарадор раислар нақд пулга айлантиришмоқчи ҳам бўлишди. Яъни бир гектар экин ерига нақд 1800 сўм тўлашни талаб қилишган ҳоллар ҳам бўлди. Сиз бунга қандай қарайсиз?

— Бу мутлақо нотўғри. Чунки бунақада ижтимоий адолатсизлик вужудга келади. Пули бори ерни олиб, пули йўғи пешонасини тириштириб тураверади. Низомда бундай гаплар йўқ. «Ижарачи ерни кадастр билан олиб техника ва транспорт воситаларини фойдаланилган даражасига қараб қабул қилиб, банк фоизидан ошмаган ҳолда ижара ҳақи тўлайди», дейилган. Энг муҳими деҳқон, чорвадор йўлни ўзи танлаши керак. Хоҳласа ижара пудратида меҳнат қилсин. Хоҳласа, хўжаликларда, жамоа бўлиб ишласин. Агарда буйруқ, фармон билан кампания қилиб ижарани йўлга қўймоқчи бўлсак, катта хато қилган бўламиз. Демократия четда қолиб кетади. Ишнинг иқтисодий натижаси ҳам бўлмай, бунга қаршилик қилаётганларнинг овози йўғонлашиб кетади. Ширкатчиларга ёғилаётган таъна-дашномлар ижарачилар бошига ёғилмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Қисқаси, бундай: Агарда бир гектар ернинг кадастр бўйича иқтисодий баҳоси минг сўм деб баҳоланган бўлса, унда ижарадорга ижарачи банк фоизи бўйича бир фоиз яъни, 10 сўм ижара ҳақи тўлаши керак.

— Ишлаб чиқариш ширкатлари ижарага яхлит хўжаликларни (давлат ва жамоа хўжаликлари) олиши мумкинми? Бунда ишчи ва колхозчилар ким бўлиб қолади? Ширкатчими? Ёки бошқача ном оладиларми?

— Жамоа хўжаликлари ширкат мулкчилигида тузилган бўлиб, ҳали ҳозиргача бу мулкий масала ҳал бўлгани йўқ. Уставига зўр-базўр 50 фоиз амал қилинади, холос. Правления раиси, бош бухгалтер ва бошқа мутахассисларни ноҳия фирқа қўмитаси тасдиқдан ўтказиб тайинлайди. Яна бир томони — колхозчи жамоадан чиқиб кетса, унинг меҳнати билан яратилган мулк қолаверади. Бу ҳам адолатсизлик. Қишлоқ хўжалик корхоналарида бош бухгалтер катта мутахассис саналмайди. Асосий етакчи бош иқтисодчидир. Давлат иқтисодчининг маошини бухгалтерникидан 30 фоиз юқори қилиб белгилаган. Агар роллари алмашса, қаллоблик, ўғирлик ўз-ўзидан тинчиган бўларди. Ишлаб чиқариш ширкатлари хўжаликларни ижарага олишга ҳаққи бор. Унда ижарага олган ширкат суб ижарани ташкил қилади ва шу жойнинг ўзида давлат буюртмасидан ортиқча маҳсулотни қайта ишлаб истеъмолчига тайёр маҳсулот ишлаб чиқариб сотади. Суб ижарачига ҳам бундай ҳамкорлик кони фойда бўлиб қолади.

— Ижара асосида деҳқончиликда қандай экинлар етиштиришнинг тикланишини орзу қиласиз?

— Деҳқончиликдан йўқолган ва йўқолиб кетаётган мош, ловия, тариқ, қўноқ, жўхори, чорвачиликда эса от, ҳисор қўйларини парваришлашнинг қайта тикланишини орзу қиламан.

Суҳбатдош Субонқул РУСТАМ.

Соғлом фикрловчи зиёлилар инқирозга учраган системадаги охирги умиддир. Расмий сиёсий институтлардаги масъул лавозимларни аста-секин янги одамлар эгаллашмоқда. Академик институт ходими, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Акмал САИДОВ 1989 йилнинг апрелида жумҳурият комсомоли МҚ мафкура бўлимининг мудири этиб тасдиқланганди, декабрь ойида эса Ўзбекистон Ёшлар ташкилотлари қўмитаси раислигига сайланди. Бироқ фан билан алоқасини узмади. Докторлик диссертациясини ҳимоя қилишга тайёрлади, Тошкент дорилфунунида «Исломнинг сиёсий мафкураси ва ҳозирги замон мусулмон ҳуқуқи»дан дарс беради. Унинг «Собеседник» мухбири Никита СИБИРЕВ билан бўлган мусоҳабаси маълум воқеа ва фактларга маълум маънода янгича қарашдир.

«ФАРҒОНА ОҒРИҒИ»НИ ҚАНДАЙ БАРТАРАФ ЭТИШ МУМКИН?

— Узоқ йиллар давомида Москвада ўтириб мафкура ва ички сиёсатни белгилаган одамлар ҳеч қачон «шарқ фактори» тўғрисида жиддий ўйлаб кўришмаган. Раҳбарият Ўрта Осиё халқларининг тарихи, анъаналари, миллий характерини яхши билмасди.

Матбуот хусусида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Истаган рўзномани варақлаб кўришингиз мумкин: мамлакат аҳолисининг чорак (!) қисмини ташкил этувчи Ўрта Осиё ҳақида жуда оз материаллар берилади. Мақолаларнинг сифати (камдан-ками бундан истисно) тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Ўзбекистон турғунлик йилларида танқиддан ҳоли эди. Қайта қуриш бошланиб салбий ҳодисалар илдизи бошқа жойларга қараганда бизда эртароқ очила бошлаганда эса, аксинча, фақат «фош этиш» нишони бўлиб қолди. Натижада «рашидовчилик», «пахта иши» билан боғлиқ нохуш тасаввур пайдо бўлди. Ахир жиноятчилик миллийликка эга бўладими?

Унутилган, саводсиз, аллақандай кўнгилсиз инстинктлар кемираётган ўзбек халқи образи дунёга келди ва бу гўё Фарғона воқеаларида ўз аксини топди. Аммо бу нотўғри тасаввур.

— Шундай бўлса-да, Фарғонадан ҳеч қаёққа қочиб қутила олмайсиз. Тўкилган қон даҳшати бир қадар унутилган бўлса-да, бу таассуфки, фақат Кавказортида миллатчилик асосида юз берган янги фожиа туфайлидир.

— Кавказортида ҳам марказий ҳокимиятнинг «шарқ фактори»ни ҳисобга олмагани яққол кўзга ташланади.

Устига устак Сумгаитдаги фожиалардан ўз вақтида тегишли хулоса чиқарилмади, бу воқеалар оммавий ахборот воситаларида атрофлича ёритилмади. Ҳаммани: айбдорни ҳам, айбсизни ҳам, аблаҳни ҳам, ҳимоя қилувчини ҳам, унинг қурбонини ҳам битта қолипга солиб бўлмайди. Ахир Сумгаитдаги барча озарларни босқинчиларга тенглаштириб бўладими?

— Маъзур тутасиз-у, бироқ менимча қаламкашлардан ҳеч ким бундай деб ёзмаган. Аксинча, кўпгина мақолаларда озарлар ҳаётларини хавф остига қўйиб арманларни яширганликлари ҳикоя қилинган. Мазкур мавзунинг етарли даражада ривожланмагани эса бу энди бошқа гап, шу фикрингизга қўшиламан.

— Фарғона фожиасини мушоҳада қилишда урғуни тўғри қўя билиш керак. Фақат шу йўл билангина қўрқиб кетганларни ўзига келтириш мумкин. Наҳот сиз «Уларнинг ҳаммаси шунақа!» деган гапни эшитмаган бўлсангиз?

Мен буни «Фарғона оғриғи» деб атайман. Қанчалик аламли бўлсада тан олишга тўғри келади: кичик бир жойда бўлган воқеа бутун жумҳуриятга боғлаб берилади. Оқибатда қонли воқеалар туфайли пайдо бўлган қўрқув ва нафрат минг йиллик маданиятга эга, табиатан меҳнаткаш ва меҳмондўст бўлган кўпмиллионли халқимга қарши қаратилди.

Фарғона вилоятининг табиати ажойиб, жаннатмакон. Лекин ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг энг катта тугуни ҳам шу ерда: туғилиш, аҳолининг зичлиги, ишсизлик даражаси ниҳоятда юқори. Бу ҳақда, шунингдек, жиноятга қўл урган ўзбеклар устидан бўлган суд ҳақида ҳам жуда кўп ёзилди ва гапирилди. Бироқ айрим нарсалар «саҳна ортида» қолди. Мисол дейсизми? Марҳамат, ўтган йилнинг кузида Тошкентда Кувасойдаги жанжални бошлаган месхети турклари суд қилинди. Эсингизда бўлса бу воқеа (Кувасойдаги жанжал назарда тутиляпти) кейинчалик кўпдан-кўп миш-мишларга сабаб бўлган ва охир-оқибатда даҳшатли ечим топганди. Қўшинлар тартиб ўрнатиш билан шуғулланди, маҳаллий ҳокимият ва жамоатчилик ташкилотлари эса қўл қовуштириб турдилар, дейиш ҳам адолатдан эмас. Марказий телевидение орқали бир манзара кўрсатилганди. Унга ишонадиган бўлсак, гўё қўрққан аппаратчилар милициянинг ҳимоясида шаҳар фирқа қўмитаси биносига яширинишган. Шу ўринда аниқлик киритмоқчи эдим: бинога аппаратчиларни эмас, месхети туркларини яширишганди. Мен ўша пайтда жумҳурият комсомоли МҚсида ишлардим ва йигитларимизнинг жасорати ҳақида истаганча мисол келтиришим мумкин. МҚ аппаратининг ярми (Фарғона вилоятқўми тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади) энг қайноқ нуқталарда бўлишди. Бу фактлар халқимизнинг жумҳуриятни ларзага солган воқеага нисбатан бўлган муносабатини билдиради.

— Сизни, сиёсатчи олимни Фарғона воқеалари янада кенгроқ ва чуқурроқ мушоҳада юритишга мажбур қилган бўлса керак деб ўйлайман. Наҳотки ишсизлик, турмуш шароитининг ёмонлиги, мишмишлар одамларнинг ваҳшийлашиши учун етарли бўлса!

— Ижтимоий замин барбод бўлган, одамларнинг биргаликдаги яшашини таъминловчи ёзилмаган қонунлар ва маънавият оёқ ости қилинган бўлса етарлидир. Шарқ жамоаси асрлар давомида оилавий, қариндош-уруғчилик ва қўни-қўшничилик алоқаларини, дин, урф-одатлари, катталарга ҳурмат (фақат ёшга қараб эмас) каби қадриятлар асосида шаклланган. Ҳар қандай ислоҳотчилар буни ҳисобга олиши лозим. Бунда ижобий тажрибалардан фойдаланиш лозим. Жумладан фуқаролар урушининг таниқли саркардаси М. И. Фрунзе Ўрта Осиёга келаётганида йўл-йўлакай Қуръонни ўрганди. Етиб келгач эса чиқарган биринчи буйруғи Қизил Армиянинг маҳаллий аҳоли вакиллари хизмат қиладиган қисмларида «Қурбон байрами»ни (мусулмонлар байрами) нишонлаш тўғрисида бўлган. Чуқур илдиз отган анъаналарга нисбатан бундай муносабат ўзбеклар, тожиклар, қирғизларда Совет ҳокимиятига ҳурмат уйғотган.

Хўш кейин нима бўлди?

Олий мақсад йўлида билиб-билмай бу қадриятларни топташ бошланади. 30-йилларнинг охиридан бошлаб ғарбча, оврўпача фикрлашни зўрлаб тиқиштиришлар бошланди ва бунда шахсийликка устунлик берилди. Бу эса феодализм сарқити деб қарала бошланган кўп асрлик турмуш тарзига зид эди. Энг катта мафкуравий хато худди ана шунда эди. Афтидан бошиданоқ социалистик ўзгаришларни шарқча хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириб бутунлай бошқа йўлдан бориш керак эди. Ҳатто чор Россияси ҳам ўз мустамлакаси бўлган Туркистондаги маҳаллий шарт-шароитни ҳисобга олганди. Шарқона хусусиятлар замонавий тараққиётга зид эмаслигини Япония мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда фан ва техника ютуқлари, янгича ижтимоий ва сиёсий ҳолат анъанавий оилавий хўжалик ва маданий муносабатлар билан уйғунлашиб кетди. Японияда ҳозир ҳам асрлар давомида шаклланиб келган одамларнинг ўзини тутиш қоидаси — «гиригиа» қатъий амал қилинади. Ваҳоланки ўзбек халқида ҳам худди шундай қоида — одоб бор...

Албатта мен бу билан ҳозироқ мусулмон судини таъсис этиш керак демоқчи эмасман. Бироқ адолат қасрларини Самарқанд ва Бухородаги машҳур мачитлар шаклида бунёд этиш мумкин.

— Лекин сиз Оврўпа маданиятига ижобий таъсирни ҳам инкор этмасангиз керак!

— Асло. Саводсизликни тугатиш, маҳаллий зиёлиларнинг дунёга келиши, илмий-техникавий инқилоб — буларнинг ҳаммаси сўзсиз ижобий ҳол. Бу ўринда энг муҳими қаерда олға қадам ташланганлигини, қаерда эса кўр-кўрона ғарбга сажда қилиб қош қўяман деб кўз чиқарганликни аниқлаб олиш лозим.

1929 йилгача ўзбек ёзуви араб имлосига, ундан сўнг эса лотин алифбосига, орадан ўн йил ўтгач кириллица — рус имлосига ўтилди. Худди шу йўл билан ўзбек халқи ўзининг кўп асрлик тарихий ва маданий меросидан маҳрум қилинди. Ўзбеклар боболонлари Навоий, Беруний, Форобий, Абу Али ибн Синони ўқиёлмай қолишди. Ўтган йилнинг октябрида қабул қилинган Давлат тили тўғрисидаги Қонунга биноан 1991 йилдан бошлаб мактаб ва олий ўқув юртларида араб имлоси мажбурий ўқитилади. Эски ўзбек тилини мустақил ўрганаётганлар учун дастлабки қўлланмалар нашр этилди. Дарвоқе, улардан энг яхшисини комсомол МҚнинг нашриёти «Ёш гвардия» чоп этган. У ёш ўқувчилар учун мўлжалланган бўлиб, нусхаси 100 мингдир.

Бироқ бутун устқурма, мафкура миллий хусусиятларни ҳисобга олиш томон бурилмоғи лозим. 20-йилларда кенг шуҳрат қозонган ва маърифат маскани бўлиб хизмат қилган «қизил чойхона»лар тажрибасини эсга олмоқ зарур. Шарқда анъанавий мулоқот макони бўлган чойхонадаги битта суҳбат цехда ўтган йиғилишдан кўра самаралироқдир. Маҳаллийчилик асосида бирлашган талабалар уюшмалари ўқув гуруҳлари ёки курсларига қараганда анча обрўлироқдир. Тарихан ўз-ўзини бошқариш сифатида шаклланган маҳаллаларни тикламай туриб демократияни тўлиқ амалга ошириб бўлмайди.

— Мусулмонларнинг диний муросасизлиги, фанатизмга, уларнинг кутилмаган, кескин ҳатти-ҳаракатларга мойиллиги хусусидаги фикр кенг тарқалган. Бу ҳақда нима дея оласиз!

— Исломда турли оқимлар мавжуд. Ислом фундаменталистлари ижтимоий ҳаётнинг бутунлай динга бўйсуниши тарафдорларидир. Бундайлар бизнинг мамлакатимизда ҳам бор. Улар қўяётган талаблардан бири ишлаб чиқаришда номоз ўқиш учун жой ва вақт ажратишдир. Бироқ уларнинг таъсирини бўрттириб кўрсатиш керакмас: аксарият диндорлар ҳокимият билан муроса қилишни ёқлайдилар.

Ислом фақат дингина эмас, у айни пайтда шарқ халқларининг турмуш тарзи ҳамдир. Динийлик ва миллийлик ўртасида Хитой деворини ўтказиш мумкин эмас. Бундан ташқари Ўрта Осиё халқларининг миллат сифатида шаклланиши ислом тарқалгандан сўнг анча ўтгач бошланган. Шу боисдан ҳам минтақада миллий хусусиятлардан кўра диний қадриятларнинг устунлиги ҳар қадамда сезилади.

— Яъни, миллий ўз-ўзини англаш кучайган сари исломнинг роли ҳам мустаҳкамланиши қонуний демоқчисиз, тўғрими?

— Ҳа, худди шу нуқтаи назардан айримларни ташвишлантираётган фактларни кўриб чиқиш лозим. Фарғона водийси, Самарқанд вилояти ва бошқа айрим жойларда ҳақиқатан ҳам ёшлар ўртасида динийлик ошди. Бироқ кўпчилик ислом ақидаларини тўғри тушунишмайди, ким сунний ёки шиа эканлигини билишмайди. Диндорлардан бошқа Қуръонни ўқиганлар жуда кам. Умуман олганда Қуръонни бошқа тилларга ўгириш таъқиқланган, лекин шу пайтгача у рус тилига беш марта таржима қилинган. Ниҳоят 1990 йилда «Шарқ юлдузи» журналида ўзбек тилида босилди, кейин алоҳида нашр қилинади деган умиддаман. Буни фақат табриклаш керак, негаки Библия—Оврупо маданиятининг таркибий қисми бўлгани сингари Қуръон ҳам шарқ халқлари турмушининг мазмунидир. Талабалар ўқишни истамаётган илмий даҳрийлик курси ўрнига, ҳеч бўлмаганда ўзбек тилида ўқиётганлар учун ислом тарихи ўтилса нур устига аъло нур бўлур эди.

— Негадир жумҳуриятингизда демократик жараёнлар секинлик билан бораяпти, деб ҳисобланади. Аксарият норасмийлар қўллаб-қувватланмаяпти. Билишимча матбуотда «Бирлик» ҳаракати тўғрисида ҳам танқидий мақолалар чиққанди.

— Мен «Бирлик»ка берилган баҳога қўшилмайман. Унинг ҳаракатномасида ҳеч бир ёмон жойи йўқ. Ҳа, ҳақиқатан ҳам «Бирлик» ўз таркибига кўра бир хил эмас, унда қизиққон одамлар ҳам бор, аммо унинг ўзагини мутлақо соғлом фикрли кишилар ташкил этади: Марказий Кенгашга ижодкорлар, техник зиёлилар, ишчилар аъзо. Қизғин баҳслар 1989 йилнинг июнидан октябригача, яъни тил тўғрисидаги турли қонунлар муҳокамаси даврида авжга чиқди. Оқибатда муросага келинди, қонун қабул қилинди ва эҳтирослар бир оз бўлсада сўнди. Йилнинг иккинчи ярмида бошлаб «Бирлик» раҳбарлари (гарчи у ҳалигача расман қайд қилинмаган бўлсада) ва расмий органлар ўртасида жонли мулоқот ўрнатилди. Норасмийларнинг кўпайтган талабларини кўздан кечирадиган бўлсангиз, маълум маънода Болтиқбўйи варианти такрорланаётганини кўришимиз мумкин: тил муаммоларидан бошлаб энди миграцияни (яъни жумҳуриятимизга келувчиларни — ред. изоҳи) чеклашга, ўтроқлик қоидасини жорий этишга келишди... «Бирлик» ичида ҳам қатор қийинчиликлар борлигини унутмаслигимиз керак.

— Сепаратчилик хавфи борми?

— Аниқ айтишим мумкин: йўқ. Гап сиёсий ва иқтисодий мустақилликни ошириш, жумҳуриятлараро муносабатларни адолатли бўлишига эришиш борасида бормоқда. Ҳозир норасмийлар охирги сайлов натижаларини шубҳа остига олишмоқда. Лекин ўйлашимча улар барибир Кенгашларга у қадар катта ўзгариш киритишолмасди. Демократик анъаналарнинг ривожланмагани, минтақа хусусиятлари кўзга ташланмоқда.

— Ёшлар ҳаракатини қандай баҳолайсиз!

— Комсомол жумҳуриятдаги энг таъсирчан ёшлар ташкилоти бўлиб қолмоқда, лекин янгилари ҳам пайдо бўлаяпти. «Бирлик»нинг ўзига хос фракцияси — Ўзбекистон ёшларининг эркин уюшмаси бор. Мафкура бўлимидаёқ мен улар билан тўқнаш келгандим. МҚда бир неча бор баҳслар бўлиб ўтганди, натижада «Мунозара» клуби дунёга келди.

Ёшлар ташкилотлари кам сонли, уларнинг моддий базаси йўқ. Шунинг учун ҳам комсомол билан мулоқот қилишга жон-жон деб рози бўладилар.

— Шундай бўлса-да, тушунишимча «мулоқот» маркази ЕТҚга кўчмоқда!

— ЕТҚ ташкилот «расмий» ёки «норасмий» бўлишидан қатъий назар ёшлар ҳаракатини мувофиқлаштирувчи бўлиб қолмоқда. Ҳозирча 22 жамоа аъзо, лекин янги уюшмалардан ариза тушиши давом этмоқда.

(«Собеседник» ҳафталигининг 1990 йил 12-сонидан).

Хориждан хабарлар

БОНН. (ТАСС). Бепул болалар боғчалари ва яслилари, кафолатланган иш жойи, бошқа социал имтиёзлар ГДР хотин-қизлари учун яқинда ўтмиш бўлиб қолади. Бирлашган Германияда улар бутунлай бошқа қонунлар билан ҳисоблашишга мажбур бўладилар, деб ёзади Ғарбий Германиянинг «Шпигель» жаридаси.

ГДРда хотин-қизлар Ғарбдаги дугоналаридан фарқли равишда кўпгина ижтимоий кафолатларга эга эдилар ва бу социализмнинг реал ютуғидир, деб эътироф этади ҳафтанома. Уларнинг ишлаш ҳуқуқи, болалари учун боғчада жой нафақат қонунлар билан, балки бутун давлат сиёсати билан таъминланарди. Бола туғилгандан сўнг аёллар ҳақ тўланадиган отпуска олиш ҳуқуқига эга эдилар.

ИСТИҚБОЛ ҚУВОНАРЛИ ЭМАС

Эндиликда аҳвол «Х» куни — икки герман давлатининг бирлашиш куни яқинлашиш билан ўзгармоқда. Бонн сиёсатдонларининг режаларига кўра, бирлашиш ГДР бутунлигича Ғарбий Германияга сингиб кетиши ва унинг ҳудудига ГФРнинг ҳуқуқий, молиявий ва иқтисодий системаси тўлалигича ўтиши йўли билан содир бўлиши керак...

Янги давлатда ижтимоий кафолатларни сақлаб қолиш учун курашда хотин-қизлар консерватив уюшмаси, социал демократик хотин-қизлар ишчи ҳамжамияти ва сўл ташкилот — ГДР хотин-қизлари мустақил ташкилоти биргаликда ҳаракат қилмоқдалар.

Уларнинг курашини Ғарбий Германия хотин-қизлари фаол қўллаб - қувватламоқдалар. Улар ҳам шу йўл билан ўз аҳволини бирмунча яхшилаб олиш ниятидадирлар. Лекин истиқбол қувонарли эмас.

Ҳозирги вақтда амалга оширишимиз мумкин бўлган нарса, — деб ҳисоблайди ГСДПдан сайланган Бундестаг депутати Ренате Шмидт. — ГДРлик ёш оналар учун ҳеч бўлмаса бирлашиш даврида пулли отпускани сақлаб қолишдир.

ЯҚИН, ЎРТА ШАРҚ ВА ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИДА

● ЖАЗОИР. Жазоир ҳукумати мамлакатда зўравонлик кучайганлиги муносабати билан баёнот берди. АПС агентлиги тарқатган мазкур ҳужжатда ҳукумат руҳоний экстремистлар фаолиятини ҳам, бир қанча партиялар ҳамда жамоат ташкилотларининг ақоидчиликка қарши ўзини ўзи мудофаа отрядларини тузишга доир чақириқларини қоралади. Бу ташаббус конституцияга қарши ва ғайриқонуний ташаббус, деб аталди.

Ҳукумат мамлакат барча фуқароларини, сиёсий ташкилотлар, касаба уюшма ва бошқа ижтимоий ташкилотларни белгиланган сиёсий ислоҳот ҳамда миллий иқтисодиётни соғломлаштириш режаларини барбод қилмасликка чақирди. Вазирлар кабинети ўзига қонун томонидан берилган барча воситалардан жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг демократик эркинликлари ва қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун фойдаланишга азму-қарор берганлигини айтди.

● ТРИПОЛИ. Ўрта денгиз мамлакатлари социалист ва тараққийпарвар партиялар ташкилотларининг доимий секретариати Ўрта денгиздан хорижий флотларни олиб чиқиб кетишни ва мавзедаги чет эл ҳарбий базаларини тугатишни талаб қилди. ЖАНА агентлигининг хабар қилишича, доимий секретариатнинг АҚШ Ливия жамоҳириясига ҳужум қилганлигининг тўрт йиллиги муносабати билан босиб чиқарилган баёнотида хорижий ҳарбийларнинг бу ерда туриши Ўрта денгиздаги аҳволни беқарорлаштиради, мустақил давлатларнинг ички ишларига империализм аралашиши учун шароит яратади, деб таъкидланади.

АҚШнинг Ливияга қарши босқинчилиги, деб таъкидланади баёнотда, Америка маъмурияти халқаро майдонда амалга ошираётган давлат террорчилиги сиёсатининг чўққиси бўлди.

● ҚОҲИРА. Мисрнинг Эл-Файюм вилоятидаги Синнурис шаҳарчасида комендантлик соати эълон қилинди. Қоҳирада чиқадиган «Ал-Вафд» рўзномасининг хабар қилишича, Синнурис бўйлаб ур-йиқитлар тўлқини бошланганидан кейин маъмурлар шундай чора кўрганлар. Баққол чол кичик ёшдаги бир қизчани зўрлагани ва уни ўлдирганлиги тўғрисидаги миш-мишлар натижасида жунбушга келган одамлар тўдаси 26 та дўкон ва дорихонани бузиб ташлаган, 10 кишини жароҳатлаган.


Эл-Файюм, шунингдек, яқин атрофдаги бошқа вилоятларнинг хавфсизлик кучлари тартиб ўрнатдилар. Камида 80 киши ушланди, деб ёзади рўзнома. Бутун Синнурис қамал қилиб олинган. Вилоят маъмурлари ғалаёнларнинг ҳақиқий сабабларини текширишга ва аҳолини тинчлантиришга ҳаракат қилмоқдалар.

* * *


Саудия Арабистонининг қироли Фаҳд мусулмонларнинг муқаддас ойи — Рамазон муносабати билан афви умумий эълон қилди. Жами 7681 киши озодликка чиқди, деб хабар қилади МЕНА агентлиги Эр-Риёд шаҳридан. Саудия Арабистони Ички ишлар вазирлигининг расмий вакили мамлакатда сиёсий маҳбуслар йўқлигини айтди. Майда ҳуқуқбузарлик қилганлик учун, қарздорлардан олган қарзларини уза олмаганлиги, шунингдек, унчалик катта бўлмаган жиноий ишлар юзасидан тергов қилинаётган кишилар авфдан фойдаландилар. Саудия қироллигида жиноят кодекси йўқ. Адлия системаси тўла-тўкис мусулмонлар ҳуқуқи — шариатга асосланган.

● БАЙРУТ. Сурия қўшинларининг аралашиши натижасида Ғарбий Байрутда умуман осойишталик тикланди. Бу ерда кечаги кундан бери шиаларнинг «Амал» ҳаракати билан эронпараст «Ҳезболлаҳ» ташкилоти ўртасида қуролли тўқнашувлар бўлаётган эди. Араб мамлакатлари уюшмасининг қарорига асосан Суриянинг Ливанга киритилган ҳарбий бўлинмалари, деб хабар берди «Саут ал Ватан» радиостанцияси, ҳарбий ҳаракатлар бўлаётган ноҳияларни ўраб олиб, душман томонларни бир-биридан ажратдилар. Баъзи ерларда Сурия аскарлари билан ҳар иккала шиа ташкилоти жангарилари ўртасида отишмалар бўлди. Мазраа, Бурж Аби-Ҳайдар, Ўзаи даҳаларида автомат қуроллар ва гранатомётлардан фойдаланиб жанглар авж олдирилди. Бир қанча жойларда ёнғин чиқди. Ливан пойтахти жанубида халқаро аэропортга олиб борувчи йўл ёқасида ҳали ҳам аҳён-аҳёнда ўқ овозлари эшитилиб турибди, деб хабар беради радио. Ғарбий Байрут касалхоналаридан олинган маълумотларга қараганда, тўқнашувлар оқибатида тўққиз киши ҳалок бўлган, 33 киши жароҳатланган.

(ТАСС).




ROBINSON C&W Syndicate USA


JÜSP Basel SWITZERLAND

«Сайёра хавф остида»

Совет-Америка жамоатчилигининг Москвадаги иккинчи учрашуви кунлари намойиш этилган дунёга машҳур карикатурачи-мусаввирларнинг плакатлар экспозицияси ана шундай номланган эди.

Жерри Робинсон раҳбарлигидаги Нью-Йорк карикатурачилар ва ёзувчилар уюшмаси намойиш этган экспозициянинг мавзуси Ер сайёраси экологик хатардалигидир. Бадиий плакатларда акс этган тасвирларда инсоният умумий ҳаракатлар билангина бу хавфдан қутула олиши мумкин деган ғоя илгари сурилди.



СУРАТЛАРДА: Ж. Робинсоннинг никотинга қарши плакати (юқорида), швейцариялик Юспнинг асари (юқоридан ўнгда) ҳамда канадалик мусаввир Каммингснинг «Озон тўйнуги» номли ижодий иши акс этган.

(ТАСС сурат лавҳаси).

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ

БУДАПЕШТ. (ТАСС). Венгрия социалистик ишчи партиясининг собиқ аъзолари парламент сайловида кимларни ёқлаб овоз беришди? Бу саволга жавобни матбуотда эълон қилинган, Америка Гэллап институтининг Венгриядаги филиали ўтказган жамоатчилик фикрини ўрганиш натижаларидан билиш мумкин. ВСИП собиқ аъзоларидан 40 фоизи сайловда Венгрия социалистик партиясини, 25 фоизи — Венгрия демократик анжуманини, 20 фоизи эркин демократлар уюшмаси аъзоларини ёқлаб овоз берди. «Непсабадшаг» рўзномасининг таъкидлашича, бу маълумотлар бир вақтлар 800 минглик ВСИП аъзоларининг дунёқараши нечоғлик ўзгарганини ва Венгрия жамиятининг ҳозирги мураккаб сиёсий ҳаётида қандай ўринни эгаллаётганини кўрсатади.

Савол-жавоб натижалари сайлов олдидан омманинг сиёсий фаоллиги ўсганлигини кўрсатди. Фикри сўралганларнинг кўпчилиги (82 фоизи) партиялар фаолияти сиёсий ўзгаришларни амалга ошириш имкониятини вужудга келтиради деса, фақат 18 фоизи «умуман сиёсат билан шуғулланмаслик яхшироқ» дейишди. Ўтган йилнинг ноябрида сўралганларнинг 34 фоизи шундай жавоб берган эди.

НЕПАЛНИНГ ЯНГИ БОШ ВАЗИРИ

КАТМАНДУ. ТАСС мухбири Дмитрий Макаров хабар беради: Непал қироли Бирендра Ҳимолай қироллиги коалицион ўтиш ҳукумати бошлиғи лавозимига Непал конгресси партиясининг раиси Кришна Прасад Бхаттараи номзодини маъқуллади. Кришна Прасад Бхаттараи номзоди ушбу энг катта сиёсий партия раҳбари Ганеш Ман Сингх томонидан монарх қабулида бўлганида таклиф этилганди.

Непал телевидениесининг хабар қилишича, монархнинг ўзи мамлакатнинг ўтиш ҳукуматига бошчилик қилиш тўғрисида Непал конгресси билан бирлашган сўл фронт илгари сурган ғояни қирол учрашув чоғида рад этган.

Г. М. Сингх К. П. Бхаттараи номзодини Непал конгресси билан биргаликда демократик ўзгартишлар учун халқ ҳаракатига бошчилик қилган бирлашган сўл фронт маъқуллаганлигини айтди. У давлат бошлиғи кеча тарқатиб юборган партиясиз миллий панчаяд ўрнига келадиган янги парламент сайлови йил мобайнида ўтказилишини айтди.

Бош вазир ўзининг биринчи баёнотида янги коалицион ўтиш ҳукумати мамлакатдаги сайлов системасида туб ўзгартишлар қилиш учун куч-ғайрат сарфлашини таъкидлади. Бундай ўзгартишлар бўлажак ялпи сайловда ва парламент демократиясини ўрнатишда 18 ёшга етган барча непалликларнинг қатнашишига имкон беради. У мамлакатнинг истисносиз барча гражданларига демократик эркинликлар бериш, сиёсий маҳбусларни озод қилиш мақсадида давлатнинг мавжуд қонунларини қайта кўриб чиқишга ҳам ваъда берди. Непалнинг Ҳиндистон билан муносабатларидаги кескин ташқи сиёсий муаммоларига тўхталиб, К. П. Бхаттараи янги ҳукумат «Непал-Ҳиндистон муносабатларини музокаралар йўли билан яхшилаш учун бор куч-ғайратини сарфлайди», деб айтди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ТЎЛҚИН УЗРА ДОР

⊙ ХИТОЙЛИК дорбоз Лю Минлян Морсби портидаги (Папуа — Янги Гвинея) сузиб юрувчи иккита кранга аркон тортди ва... Дорнинг баландлиги сув сатҳидан 14 метр юқорида, узунлиги эса 550 метр бўлиб, дорбоз лангарчўп ёрдамида дорнинг у чеккасидан бу чеккасигача икки марта бориб келди, сўнг лангарчўпсиз мураккаб машқларни бажарди. Қизиғи шундаки, Лю Минлян ўз санъатини намойиш қилаётганда кранлар сув тўлқини билан бирга «сузиб» юрди, деб хабар беради «Франкфуртер альгемайне» (ГФР) рўзномаси.

ЎН УЧ ЁШЛИ МУСИҚАЧИ

⊙ ЮГОСЛАВИЯЛИК ўн уч ёшли скрипкачи Стефан Миленкович ўз фаолиятининг ўн йиллигини нишонлади. Унинг номи кўпгина мамлакатларга яхши таниш.

Стефан уч ёшидан концертларда иштирок эта бошлаган, беш ёшидан бошлаб эса солист сифатида қатнашмоқда. Ҳозир унинг ижросидаги куйлар ёзилган бир неча пластинка сотувга чиқарилган.

ҚИЗИҚУВЧАНЛИКНИНГ ОҚИБАТИ ЁМОНМИ!

⊙ ДАРВОҚЕ, бундай саволга аслида унга қарама-қарши ўлароқ яхши, деб жавоб бериш мумкин. Лекин ҳар доим ҳам... Айниқса, суриялик саёҳатчи Нисҳамнинг қизиқувчанлиги ўзи учун қимматга тушди. У Белграддаги ҳайвонот боғида сайр қилиб юрганди. Шунда филни яхшилаб томоша қилиш ниятида темир панжарага яқин борганди ҳамки, қўлида ушлаб юрган курткасини фил хартуми билан тортиб олди ва дарҳол ютиб юборди. Бор маш-маша мана шундан кейин бошланди, чунки Нисҳамнинг барча ҳужжатлари курткасининг чўнтагида эдида.

ИТАЛИЯДА ҲАМ КЕКСА ОДАМЛАР КЎП

● ҲОЗИР у ерда энг кекса одам Доменико Минервино бўлади. У роппа-роса 20 кундан сўнг 110 ёшга тўлади. Доменико 1880 йилнинг 10 майида туғилган. Ҳозир мамлакат жанубидаги Козенца вилоятининг Сан-сости деган жойида яшайди. Италияда жами 1660 киши 100 ёшдан ошган.

Қарияларнинг аксарият қисми, яъни 743 киши мамлакат шимолида, қолганлари эса жанубда, Аппенин оролларида кексалик гаштини суришмоқда. Тоскана қариялар кўплиги жиҳатидан биринчи ўринда.

Шуни таъкидлаш лозимки, узоқ умр кўрувчиларнинг асосий қисми аёллардир.

У ИШ ЮЗАСИДАН тез-тез аэропортда бўлиб турарди. Чет эллик меҳмонларни кутиб олиш, меҳмонхонага жойлаш, кузатиш... «Ўзбекинторг» — у ишлайдиган бирлашма янги, қайта қуриш шарофати ила юзага келган бўлиб, чет эл корхоналари билан ташқи иқтисодий алоқалар ўрнатиш бош вазифасидир. Фарҳод ана шундай иқтисодий ҳамкорлик қилиш учун келадиган ва кетадиганларга хизмат кўрсатади. Хизмат юзасидан эса бой айланганмиздай аэропортда кўп бўлади ва шундай ташрифларнинг бирида у афғонистонлик таниши Саид Абдул Ҳамидни кўриб қолди. Саид Тошкент Давлат дорилфунунида ўқиган, ўша кезларда Фарҳод ҳам талаба эди, мутахассислиги шарқшунослик бўлгани учун афғон йигит билан дўстлашиб кетган эди. Кейин ўқишни битиришди — бунга ҳам мана икки йилдан ошди — улар кўришишмаганди.

Ҳол-аҳвол сўрашгач, Фарҳоднинг «Ўзбекинторг»да ишлашини эшитган Саидга жон кирди:

— Ёрдам қилмасанг бўлмайди? — деди у.

— Нима гап? — деди Фарҳод ҳам.

— Биз 3-4 дўстларим билан Югославиядан келаётган эдик. Транзит йўловчилар белгиланганидан ортиқча юк олиши мумкин эмас деб, Тошкент божхонасидагилар юкимизни ўтказишмаяпти.

— Нима юк ўзи?

— Арзимаган майда-чуйда, холос...

Хуллас, Саид Фарҳодни кўндирди. У эса ўз навбатида божхона ходимларидан маслаҳат олди. Улар «Ўзбекинторг»дан хат-тавсиянома, божхона декларацияси ва олиб ўтилаётган молларнинг тури ҳақида директор муовинининг имзоси туширилган рўйхат лозимлигини айтишди.

Фарҳод бу ишларни ўзи уддалашига кўзи етмай «Трансинторг» хизматчиларидан ёрдам сўраб борди. Бу ишлар билан бевосита шуғулланувчи С. Бабичев меҳнат отпускасига кетаётган учун А. Петрухина рўпара қилди. А. Петрухина барча ҳужжатларни тўлдириб, унга олиб келиб бериларнинг тури номма-ном ёзилмагани учун, ҳужжатларни чала деб қабул қилишмади. Дами ичига тушиб кетган Ф. Муҳамедов нима қилишини билмай қолади. Ишхонасидагиларга эса ҳеч нарса демайди. Бу орада жумҳурият божхонасидан «Ўзбекинторг»га хат келади...

Аэропортнинг юк омборида анча пайт туриб қолган «гап»ни божхона вакиллари текширишга мажбур бўлишади. «Арзимаган майда-чуйдалар» эса 12 минг сўмлик заргарлик буюмлари, 1302 сўмлик тилла, 14 минг

хизмат қилмоқ ниятида эканлиги, юк нимадан иборатлигини билмаслигини ишонтира олиб, унинг ишини «Ўзбекинторг»нинг ўртоқлик судига топширишди.

Улар эса Ф. Муҳамедова жамоатчилик ҳайфсани эълон қилиб, бирлашма деворий газетасида бу ҳақда танқидий мақола ёзиш тўғрисида қарор қабул қилишди...

Шу билан тамомми?!

Ҳа, шу билан бу воқеа тугади. Лекин бизни бир қатор ҳолатлар ўйлантиради, улар ҳақида гапирмасак бўлмайди.

рилган қоғозлар «Трансинторг» вакилига бўлади?

Канцелярия мудираси И. Тожиддинова эса тушунтириш хатида шундай дейди: «Муҳрни Фарҳоднинг ўзи босган. Бундай ҳолларда қайтарилмаслиги учун муҳрни бухгалтерияга топширишга керак, аслида ҳам у шу ерда бўлиши керак». Нима бўлганда ҳам, чет эллар билан алоқада бўлган идоранинг муҳри ишончли қўлларда бўлгани тўғридир.

Яна бир гап. Иш ўртоқлик судида кўриш учун бирлашмага жўнатилгач, у ердагиларга Фарҳоднинг ўз аризасига кўра бўшаб кетмоқчилигини инобатга олиб, жамоатчилик ҳайфсани эълон қилишди. У ҳақда деворий газетага ёзишга келишишди. Бўшаб кетган одам ҳақида деворий газетага ёзишдан не мантиқ?

Назаримда, чет эллар билан ҳамкорлик қиладиган идораларга хизматчи олишда жуда ҳам талабчанлик билан ёндашмоқ лозим. Чунки меҳмонлар ўз ташрифлари мобайнида айнан шу одамлар билангина учрашадилар, улар билан мулоқот қиладилар. Ажнабийлар уларга қараб биз ҳақимизда, Ўзбекистон ҳақида тасаввур оладилар. Қолаверса, Ф. Муҳамедов аввал ҳам бир неча бор чет элликлар билан муомалада эҳтиётсизликка йўл қўйгани учун огоҳлантирилганди. Нега ўшанда жиддийроқ чора кўрилмади? Чунки у ўз ишини билади, билет, меҳмонхона масалаларида анча «уста» эди...

«Холис хизмат»

ФАРҲОД БОР-ЙЎҒИ ХОЛИС ХИЗМАТ ҚИЛМОҚЧИ ЭДИ. ЛЕКИН БУ УНГА ҚИММАТГА ТУШДИ

ши лозимлигини айтиб, керакли қоғозларни берди. Лекин Фарҳод бу қоғозларга унинг раҳбарлари асло имзо чекмаслигини жуда яхши биларди. Шунинг учун у бошқача йўл тутмоқчи бўлди.

Бу йўлга уни нима ундади, айтиш қийин. Эски дўстига азбаройи ёрдам бермоқчи бўлганими ё...

У ёзув машинкасига ўтириб, қоғозларни тўлдирди. Бош директор ўринбосари Г. Г. Лотоцкий имзосини ҳам ўзи қўйиб юборди. Сўнг қоидага кўра барча ҳужжатларни «Трансинторг»га топширмай, тўғри жумҳурият божхонасига элтиб топширди.

Божхона вакиллари ўтказилиши лозим бўлган мол-

сўмлик саноат моллари — жами 27595 сўмлик контрабанда моллар бўлиб чиқди?!

Ҳаммаси шундан кейин бошланди. Сўроқ-саволлар, тушунтириш хатлари ёзишлар. Ишни жумҳурият Давлат хавфсизлик қўмитаси ходимлари ўрганиб чиқишди. Масалага даҳлдор барча кишилар билан суҳбатлашилди. (Фақат Саид Абдул Ҳамиддан ташқари. У 10 сентябрда ўз юртига жўнаб кетганди). Ф. Муҳамедовнинг ҳатти-ҳаракатлари Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 15- ва 68-моддаларига кўра жазога лойиқ топилди. Фақат тергов жараёнида у ўз айбларига тўла иқрор бўлгани, азбаройи танишига холис

Биринчидан, Фарҳод жиноятга қўл урган. Билибми, билмайми, бу масаланинг иккинчи томони. Одам ўлдирган ҳам «билмай қолдим» дейди-ку!? Нега унинг жиноятини енгиллаштирилмайди унда? 5 тийинга адашган савдо ходими, балки билмай адашгандир, нега бу инобатга олинмайди? «Ўз ҳисобига адашади улар», дея эътироз билдирарсиз. Бўлмаса, шундай экан, Фарҳод ҳам ўз ҳисобига адашмадимикан?

У ўз тушунтириш хатида «божхона юк декларациясини 4 нусхада Петрухинадан олдим, уларда «Ўзбекинторг»нинг муҳрлари бор эди», деб ёзади. Нега «Ўзбекинторг» муҳрлари тушилган қоғозлар «Трансинторг» вакилида бўлади?

А. АҲМЕДОВ.

АДИБНИНГ ИККИНЧИ УМРИ

Абдулла Қодирийни 30-йилларнинг китобхонлари яхши эслашади. Зеро, умуминсоний фазилатларни тараннум этган муаллифнинг асарларига бўлган қизиқиш бугунги кунда ҳам ошиб бормоқда. Орадаги 30-40 йил бизни унинг китобларидан маҳрум этиб, адибнинг асарларига бўлган қизиқиш чеклаб қўйилди. Сталин даврининг мардудлари А. Қодирийни миллатчи, турмушимизга ёт бўлган романлар ёзаётганга чиқариб, қатағон қилишди.

— Биз 30-йилларнинг охирида қўлидаги қаламидан маҳрум этилган ижодкорлар олдида бир умр қарздормиз, — дейди Тошкентдаги Пушкин номли истироҳат боғида А. Қодирий туғилган кунга бағишлаб ўтказилган маросимни очар экан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг котиби Тоҳир Малик, — ҳамон ўша даврда ижод қилган ёзувчиларнинг асарларини тўла ҳолда нашр қила олганимиз йўқ. Уларнинг пок номини тиклаш борасида дастлабки қадамлар қўйилмоқда, холос.

Шундан сўнг сўзга чиққан адибнинг кичик ўғли М. Абдуллаев, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Г. Нуруллаева, шоир М. Юсуф, А. Қодирийнинг невараси Ш. Қодирий, адабиёт мухлиси Г. Полвонова, истироҳат боғининг директори А. Мўминов ёзувчи ҳақида сўз юритишиб, унинг дилтортар асарларига бўлган қизиқиш кейинги вақтда кучайиб бораётгани хусусида гапиришди. Унга бағишланган шеърлар ўқилди. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист М. Азимов, «Тўрон чечаклари» ансамблининг солисти Б. Холхўжаев ва хушовоз хонанда А. Ганиевлар ўйинлари ва ижроларида ҳам улар севимли қўшиқларни билан хушнуд этишди. Шунингдек, «Баёт» ансамблининг чиқиши ва 4-маданият уйи қўшиқчи Х. Мирзааҳмедов раҳбарлигидаги «Сайқал» тўгараги аъзоларининг устачилик ишлари бу ерга тўпланганларда катта таассурот қолдирди.

И. УСМОНОВ.

ТВ

21 АПРЕЛЬ — ШАНБА

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув. 10.00 «Сафар таассуротлари». Бельгия ва Люксембург хотиралари. 11.00 «Барҳаёт Ленин». Адабий кўрсатув. 11.40 «Биринчи меҳмон». Бадиий фильм («Ленфильм»). 12.55 КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳаси муҳокамада. 13.15 «Буюк сиймо». В. И. Ленин таваллудининг 120 йиллигига бағишланган кўрсатув. 13.40 «ДОСААФ — мардлик майдони». Тижорат кўрсатувлари 14.10 «Элга хизмат — олий ҳиммат». Андижон шаҳридан. 14.45 «Чўлда Наврўз...». Нишон ноҳияси меҳнаткашларининг иш фаолиятидан. 15.15 «Иш қўлидан келганда». Сирдарё шоли заводи ҳақида.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Тенгдошлар». 18.45 «Мультипанорама». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 20.15 «Оқшом эртаклари». 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Ой дарадаги яккахон». Телефильм. 21.10 «Қуёш ўлкасида кезади баҳор». Мусиқий кўрсатув. 22.00 «Ҳафтанома». 22.40 «Она қалби». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия). 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 Ритмик гимнастика. 9.15 «Савту калом». Накибхон Туграл шеърлари асосида адабий-мусиқий кўрсатув. 10.05 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Телевизион бадиий фильм. 5 ва 6-серияллар (рус тилида). 12.25 «Хотиралар билан яшашимизга ҳали эрта». Фильм-концерт.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

15.00 Кўрсатувлар тартиби. 15.05 «Пингвинча Лолонинг саргузаштлари». Мультфильм. 15.25 Реклама. 15.35 «Бу кимнинг қайғуси?». Илмий-оммабоп фильм, субтитр билан. 15.55 Ўш филармонияси артистларининг концерти. 16.35 «Овоз». Бадиий фильм (рус тилида). 18.05 «Юлдузлар порлаганда...». Фильм-концерт. 19.00 «Мезгил». 19.30 «Мариам ва Тадеуш». Телефильм. 19.50 «Ильич севган асарлар». Л. В. Бетховен. «Крейцер сонатаси». 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 Ўзбекистонда яшаётган қирғизлар ҳақида кўрсатув. 21.50 Фильмотекамиз хазинасидан. «Империянинг емирилиши». Бадиий фильм.

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.05 «Сиз яратган боғ». 8.35 Меҳр-шафқат ҳафталиги. «Ҳаётга қайтганлар». Ҳужжатли фильм премьераси. Волоколамскдаги меҳнат қобилиятини тиклаш марказий мактаби ҳақида (ВЛКСМ Марказий Комитетининг «А» студияси). 9.05 «Қозоғистоннинг мусиқий фольклори». 9.30 «Нафосат қонуни». Бразилия архитектори ва жамоат арбоби Оскар Нимейер ҳақида. 10.15 Кичик концерт. 10.30 «Ҳайвонот оламида». 11.30 Режиссёр Л. Луков фильмлари. «Александр Пархоменко». 13.00 «Россия суверенитети». 2-кўрсатув — «Советлар ҳокимияти ва жумҳурият ҳокимияти». 14.00 С. Иголинский чалади (фортепьяно). 14.20 «Партнер». Тижорат хабарномаси. 14.50 «Спектр». 15.20 «Қадимий садолар». 16.10 Сиёсий мулоқотлар. 17.00 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали. Б. Феоктистов чалади (СССР). 17.35 «Халқаро панорама». 18.20 «Таджанг Бамбр». Мультфильм премьераси. 18.30 Меҳр-шафқат ҳафталиги. 18.45 «Фермер-90» кантри ва фольклор-мусиқа фестивали. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 «Телескоп». 21.20 «Бахтли тасодиф». Оилавий телевикторина. 22.30 Телепортрет. Хитой Компартияси Марказий Комитети доимий комитети аъзоси, ХХР Давлат Кенгашининг премьери Ли Пэн. 23.00 Оммабоп куйлар янгиликлари. «А» программаси. 00.30 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

Саволлар беринг!

га, соҳил кўринмайдиган жойгача олиб киришади ва она фарзандини белигача сувга тиқиб туради, ота эса: «Қара, бу денгиз, у сенинг уйинг. У билан аҳил бўл, уни севl», — дейди. Кейин эса денгизга: «Бу менинг ўғлим. Мен сенга унинг исмини айтаман, эслаб қол! Менинг совғамни қабул эт, рад этма, ўғлим билан дўстлаш!», деб мурожаат қилади. Сўнгра ўғлининг исмини айтиб, денгизга танга ташлайди.

КПСС аъзолари қанча?

Мени қуйидаги савол жуда қизиқтиради. Мамлакатимизда ҳозир неча киши КПСС аъзоси! Уларнинг ичидаги энг кексалари кимлар! Фирқа аъзоларининг сони илгари ҳам ҳеч камайганми!

Д. УСМОНОВ.
Самарқанд.

Утган йилнинг октябрь ойигача бўлган маълумотга қараганда мамлакатимизда КПСС аъзолари 18 миллион 909 минг киши, фирқа аъзолигига номзодлар эса 416 минг кишини ташкил қилган.

Энг кекса фирқа аъзоларига келсак, у 1911 йилдан бери партия аъзоси бўлиб келаётган москвалик Наум Михайлович Горбовецдир. Ундан ташқари яна инқилобгача бўлган «кексалар гвардиясини» 183 киши ташкил қилади. Улардан олти киши партияга 1913 йилда, беш киши 1914 йилда, бир киши 1915 йилда, ўн бир киши 1916 йилда ва бир юз эллик етти киши 1917 йилда аъзо бўлишган.

Партия аъзолари сонининг қисқариши илгарилари ҳам — 1921-1923, 1933-1938, 1941, 1954 йилларда кузатилган.

Говмижжанинг давоси ўқитишми?

Кейинги пайтларда қовоқларимга тез-тез говмижжа чиқадиган бўлиб қолди. Бири энди тузалиши билан орадан 20 — 30 кун ўтмай яна бошқаси чиқади. Буни қандай даволаса бўлади! Баъзилар ўқитиб, ис чиқариш керак дейишади. Шу ростми!

Г. МУРОДНИЁЗОВА
Хонқа ноҳияси.

Бу касалликка кўз қовоғидаги ёғ безига йирингловчи микробларнинг тушиши сабаб бўлади. Говмижжа чиқишидан олдин қовоқ чети сал шишиб, санчиб оғрийди, қизаради. Икки-уч кундан кейин сарғайиб ёрилади. Бундай пайтда дарҳол врачга учраб унинг айтганларини бажариш керак. Говмижжани сиқиб, йирингни чиқариш мутлақо мумкин эмас. Бунда инфекция кўз косаси орқали калла суяги бўшлиғига ўтиб кетиши мумкин. Кўз қовоқларининг чети сурункали яллиғланса ёки кўпинча шамолласа ҳам кетма-кет говмижжа чиқаверади. Унда врач тавсияси асосида кўз қовоғи яллиғланишини даволаш керак. Шунингдек киши ўзининг умумий соғлиғини ҳам текширтириши зарур. Чунки организмдаги бошқа касалликлар туфайли ҳам кўзга тез-тез говмижжа чиқиши мумкин.

Сувда яшовчи одамлар

Ҳурматли редакция! Умрининг асосий қисмини фақат денгизда ўтказувчи одамлар ҳам бор деб эшитганман. Шулар ҳақида маълумот берсангиз.

М ОДИЛОВ.
Наманган.


Дарҳақиқат, Калимантан оролининг шимолий ғарбий қисмида жойлашган Саравакнинг денгиз соҳилларидаги майда оролларда шундай одамлар ҳаёт кечириши фанга маълум. Айтишларига қараганда, улар қуруқликдагига нисбатан сувда ўзларини яхши сезишар экан. Уларни ибон халқи дейишади.

Ибонликларнинг урф-одатларига кўра, онанинг кўзи ёрийдиган пайтга келганда, қайиқ қирғоққа чиқарилади ва одамлардан панароқ жойга боғлаб қўйилади. Ўша жойга қозиқлар қоқиб, устига уй қурилади. Уларнинг одатига кўра туғилажак фарзанднинг ота-онаси кўзгуга қарамасликлари керак, бўлмаса уларнинг фарзанди қийшиқ туғилар эмиш.

Ота қайиқда, ҳомиладор аёл эса уйда тунашади. Бола албатта қуруқликда туғилиши лозим. Чунки у улғайиб, денгизга узоқ сафарга чиққанда уй-жойини эслаб туриши керак.

Бола туғилиши биланоқ беш кун ўтгач, унга денгизда исм қўйилади. Ота-она шу куни чақалоқни денгизнинг ичкариси-





Қиличбозлик бўйича Қарши шаҳрида ўтказилган бу галги шаҳар биринчилиги қизғин ўтди. Унда қашқадарёликлар билан бирга фарғоналик ва навоийлик ёшлар ҳам иштирок этдилар. Мусобақа шаҳар ижроия қўмитаси ташаббуси билан ўтказилди. Беллашувлар қизиқарли тус олди. Ниҳоят ғолиблар маълум бўлди. Шундай қилиб, умумкоманда ҳисобида қаршилик ёш қиличбозлар биринчи ўринни эгалладилар.

СУРАТЛАРДА: (юқоридан) мусобақа ғолиблари. Пастдаги суратда эса 1-шаҳар ҳунар-техника билим юрти ўқувчиси Дилшод Йўлдошев.

Суратkaш: Ш. ШАРОПОВ.
(ЎзТАГ).

ФИНАЛЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

СССР Кубоги учун ярим финал ўйинлари бўлиб ўтди. Киевнинг «Динамо» командаси Москва армиячиларини 4:2 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Финалга чиқадиган иккинчи команда Москванинг «Динамо» ва «Локомотив» футболчилари учрашувида аниқланди. Кескин ўтган бу ўйинга ажратилган 90 минут камлик қилди. Қўшимча вақтда ҳам ҳисоб очилмади. Сўнгра 11 метрдан дарвозалар нишонга олинди. «Локомотив» 4:2 ҳисобида ғалаба қозонди.

ФОРМЕН ЯНА РИНГДА

Американинг Лейк Тахо шаҳрида профессионал боксчиларнинг учрашувлари ўтказилди. Узоқ танаффусдан сўнг рингга қайтган жаҳон собиқ чемпиони Жорж Формен ўзининг навбатдаги «жанг»ини ўтказди. 40 ёшли, оғирлиги 118 килограмм бўлган Формен кучли боксчилардан ҳисобланган Майк Жемисонни тўртинчи раундда нокаутга учратди. Энди у иқтидорли ёш «чармқўлқоп» устаси Эделсон Родригес билан куч синашади.

Мамлакатимиз вакиллари Александр Артемьев ва унинг укаси Сергей (ярименгил вазнда) ўз рақибларини учинчи ва тўртинчи раундларда нокаутга учратишди. Оғир вазнли Юрий Баулин биринчи раунднинг иккинчи минутида ғалабага эришди.

Муҳаррир ўринбосари Фарруҳ РАҲИМОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р. 03175. Д. — 23150.